

85.34

И-37

791.66/07) и

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

НАРГИЗА ИКРОМОВА

TOSH. D.M.I.
O'QUV ZALI

ОММАВИЙ БАЙРАМЛАР ТАРИХИ

Бакалавриятнинг 5810500 – “Халқ ижодиёти”
Оммавий байрамлар режиссураси ихтисослиги
йўналиши учун дарслик

ТОШКЕНТ 2007

2024238

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT MADANIYAT IN-TI
AXBOROT RESURS MARKAZI
TARTIB № 8531/c)

Ушбу дарсликда оммавий байрамлар тарихи: байрам ҳақида тушунча, байрамнинг пайдо бўлиши, қадимги давр байрамлари, антик давр байрамлари, ўрта асрлар байрамлари. Темуридлар даври байрамлари, шўролар тузуми даври байрамлари, мустақиллик даври байрамлари, ҳамда алоҳида Наврўз байрамнинг пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари ва мустақиллик даврида Марказий майдонда ўтказилаётган Наврўз байрами режиссураси хусусида маълумот берилган.

Дарслик маданият, санъат институтлари ва коллежалари талабалари ҳамда санъат ихлосмандларига мўлжалланган.

В данном учебном пособии дается сведения об истории массовых праздников и обычае также понятия о праздниках. Античного периода и средних веков. праздников эпохи Темуридов, праздников периода независимости и отдельности о происхождение праздника Навруз на центральной площади.

Данное учебное пособие рекомендуется для студентов институтов искусство и культура, также для учащихся колледжей.

This textbook has information about the history of mass holidays: nation about the holiday. creation of the holidays, holidays of zardusht period. holidays of Middle Age, holidays of Temurids, holidays of ex soviet system, holidays of independence period. creation of Navruz holidays and steps of development, about direction of Navruz holiday which is held at the Central square with in Independence period.

The textbook is intended for the students of the institute of culture, art and colleges as well as art fans.

Масъул муҳаррир:

Педагогика фанлари номзоди,
доцент Адиба Носирова

Такризчилар:

Филология фанлари номзоди,
доцент Назира Одилова

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
доцент Шермат Ҳайитбоев

С.ф.н., доцент ТДСИ кафедра мудири
М.Р. Юсупова

Ушбу дарслик Абулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг Илмий Кенгашида муҳокама этилиб, нашрса тавсия этилган.

К И Р И Ш

Инсоният яралибдики, унинг турмуш тарзида байрамлар алохида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Инсоният ҳаётини байрамсиз, анъана, маросим, урф-одатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар жамиятнинг маънавий гўзаллигини, халқнинг яшаш тарзи, турмуш шароитини дунёга кўз-кўз қилувчи асосий воситадир. Бирор давлатда нишонланаётган миллий байрамлар ёки жаҳон миқёсидаги тадбирларни кузатар эканмиз, ўша давлатнинг миллийлиги, ўзига хос урф-одатларини ўрганамиз. Демакки, байрам ҳаётнинг энг нафис ва нафосатли хислатларини намойиш этувчи кўзгудир.

Шарқнинг буюк олими Махмуд Қошғарий “Байрам-халқнинг шодлик ва хурсандчилик қунидир”¹, деган эди. Бирор-бир муҳим ижтимоий воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш байрам деб тушинилади.

Абу Райҳон Беруний байрамларни ҳаётдаги “энг муҳим қунар”² деб уларни қуйидаги турларга бўлади:

- дунёвий байрамлар
- диний байрамлар

“Қимқи Наврўз қуни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди”, деб таъкидлайди Умар Хайём³.

XX асрда байрамлар билан кўпгина олимлар шуғулланишган. Байрамлар моҳиятини тўғри англаш, тарихи ва ҳозирги қундаги ҳаётини тушунишда айниқса М.М.Бахтин тадқиқотлари муҳим. “Байрам ҳамма вақт дунёни теран идрок этиш мазмунига эга бўлиб келган. Ижтимоий меҳнат жараёнини ташкил этиш ва мукаммаллаштиришдаги “машқлар”, “меҳнатлар ўйинлари”, меҳнатдаги дам олиш ёки нафасни ростлаш ҳеч

¹ Махмуд Қошғарий. “Девону луғотит-турк”, 1 том. – Т.: “Фан”, 1963 йил, 447 бет.

² Қорабос У.Х. Ўзбекистон байрамлари. Т., 1991, 49 бет.

³ Умар Хайём. Наврўзнама. Т., Меҳнат, 1990, 12 бет.

качон ўз ҳолича байрам бўла олмайди. Уларнинг байрам бўлиши учун борлиқнинг бошка соҳаси, маънавий-мафкуравий соҳасидан нимадир қўшилиши шарт. Улар моддий дунё ва зарур шарт-шароитларидан эмас, инсон ҳаётининг буюк максадлари дунёсидан, яъни идеаллар дунёсидан даъват ва қувват олади”⁴.

Байрамлар ҳам жамиятдаги ўзгаришларга қараб, маълум даражада ўзгариб боради. Янги байрамлар пайдо бўлади. Лекин бу билан байрам шодиёнаси, инсонлар хурсандчилиги ўзгармайди. Инсон байрам кунлари ўз ҳаётидаги ташвишларни унитиб, янги либослар кийишга, ўйин-қулги билан ғуборини ёзишга ҳаракат қилади.

Шу соҳа олимлари ХХ асрдаги байрамларга баҳо берар экан. М.М.Бахтин концепциясига таянган ҳолда иш кўрадилар. “Байрам – бу маълум вақтдаги идеал ҳаётдир” – деб таъкидлайди И.И.Мазаев⁵.

“Байрам – ҳар бир фуқаро ва бутун жамият ҳаётини акс эттирувчи ўзига ҳос ижтимоий ҳодисадир” – деб таъриф берган Д.М.Генкин бу фикрларини янада ойдинлаштириб шундай деб ёзади, “Байрам – бу воқелик билан санъатни уйғунлаштирувчи, у ёки бу реал ҳаётий воқеани бадиий безаб кўрсатувчи ўзига ҳос антика ҳодисадир”⁶.

“Байрам дунё маданиятида йиғилган энг қимматли бойлиқларни ўзида уйғунлаштиради”⁷ – деб фикр юритади А.И.Арнольдов.

Байрамшунос олим филология фанлари доктори, профессор У.Қорабоев “Ўзбекистон байрамлари” номли китобида ва мазкур китобнинг қайта ишланмаси сифатида яратган “Ўзбек халқи байрамлари” китобида ўзбек байрамларининг хусусиятлари ҳақида тўлақонли таъриф берган. Ўзбек байрамлари моҳиятан бошка халқлар байрамларидан фарқ қилмайди, улар ҳам орзу, меҳнат, қураш ифодаси, анъаналар, гўзаллик

⁴ Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М., 1986, с.299.

⁵ Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление. М., Наука, 1978. с.172.

⁶ Генкин Д.М. Массовые праздники. М., Просвещение, 1975, с.44.

⁷ Ўша жойда, 79 бет.

кўзгуси, тинчлик, ҳамжихатлик, тенглик, ҳаётнинг давоми, муҳим қисмидир.

У.Қорабоев халқ байрамлари моҳиятини белгилловчи байрамларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, байрамнинг учта асосий хусусиятини белгилайди:

1. Байрам ҳолати (байрам кайфиятининг) пайдо бўлиши, байрамга бўлган эҳтиёжнинг туғилиши;
2. Байрамона ҳолат, кайфиятнинг пайдо бўлиши – бу ҳали байрам дегани эмас. Шу кайфиятни, шу ҳолатни, интилишни рўёбга чиқариш учун байрамни ташкил этиш керак. Омманинг байрам иштирокчисига айланишидир.
3. Байрам бу – театрлаштирилган намоишлар, томошалар, концертлар, кўрик-танловлар беллашувлар, яъни ранг-баранг оммавий тадбирлар бирлигидир⁸.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида байрамга кўйдаги таъриф берилган: - “Байрам (туркийча – катта йиғин, тўй) – кенг нишонланадиган тантаналик кун. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида келиб чиқиши, мазмуни, ижтимоий ҳаётда қарор топишига кўра анъанавий, диний, миллий ва бошқа байрамлар вужудга келди. Авлоддан-авлодга мерос тарикасида ўтиб келадиган байрамлар анъанавий байрамлар дейилади. Масалан: Наврўз байрами. Анъанавий байрамлар бирор халқ ёки миллатнинг айни вақтдаги ижтимоий турмуши, ҳаёт кечириш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Диний байрамларда ҳар бир монотеистик диннинг ақидаларида белгилаб қўйилган маросимлар нишонланади”⁹.

Байрам муайян кунда нишонланиб, жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида олдиндан белгиланади. Баъзи байрам кунлари дам олиш куни деб эълон қилинади. Мамлакатимизда йирик байрамларни

⁸ Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари, 49-50 бетлар.

⁹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 том. Т. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2000. 584 бет.

нишонлаш учун 9 кун дам олиш кунлари деб белгиланган. Улар кўйидагилар:

- 1 январь – Янги йил;
- 8 март – Хотин-кизлар куни;
- 21 март – Наврўз байрами;
- 9 май – Хотира ва кадрлаш куни;
- 1 сентябрь – Мустақиллик куни;
- 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни;
- 8 декабрь – Конституция куни;
- Рўза хайити (Ийд ал-Фитр)нинг биринчи куни;
- Қурбон хайити (Ийд ал-Адха)нинг биринчи куни.

Шунингдек, муайян касб кунлари ҳам айнан дам олиш – якшанба кунларида ўтказилиши белгилаб кўйилган. Тадқиқотчи Э.В.Соколов байрамларни барча дам олиш шакллари орасида энг афзали деб кўрсатади. Чунки байрам тадбирларида дам олишнинг энг самарали шакллари мужассамлашади¹⁰.

Тарбия тизимида байрам ўзига хос муҳим ва йирик тадбир саналади. Халкнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлокий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, саклаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида ҳам байрамнинг аҳамияти катта.

Тарих шунини исботлайдики, байрамлар маъноси, ғояси халкнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Байрамларнинг яна бир хусусияти уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, кишнинг совук кунларидан сўнг об-ҳавонинг исизи, теварак-атрофнинг кўм-кўк либосга ўраниши, дов-дарахтларнинг гуллаши – баҳор келиши барча

¹⁰ Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. Л., 1977, с.84-88.

кишиларга олам-олам қувонч шодлик олиб келади. Албатта, бу ўзгаришдан ҳар ким ўзича завкланади. Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади. Ана шу эҳтиёжни кондириш учун махсус вақт белгиланади. Бу саналарни белгилашда минг йилликлар тажрибасидан келиб чиқилади. Масалан, қуёшнинг ҳамал буржига кириш вақти “Наврўз” байрами ўтказиладиган вақт сифатида белгиланган.

Профессор У.Қорабоев “Ўзбек халқи байрамлари” китобида қуйидаги фикрни билдирган – “Байрамнинг ўзига хос хусусияти унда кенг омманинг иштирок этишидир. Байрам аввало кўпчилик учун уюштирилади ва у бевосита одамларнинг иштирокида ўтади. Театрлар, концерт заллари, телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларида омма фақат томошабин, тингловчи ролини бажарса, байрамларда одамлар фаол иштирокчи сифатида катнашади. Байрамларда ҳамма ўз қобилиятини намойиш қилиши мумкин. Кишилар байрам тадбирларини иштирокчи сифатида кузатади ва бўлган воқеаларга ўз муносабатини билдира олади. Байрамларнинг ўзига хос яна бир хусусияти уларнинг бир неча (комплекс) тадбирлар синтезидан ташкил топишидир. Ҳар бир байрам кўплаб тадбирлар асосида уюштирилади. Байрамнинг ташкил қилиниши – унинг мавзуси, ғоя, йўналиши махсус шакл, тадбир ва маросимлар орқали намоеън этишдир. Одатда ҳар бир оммавий (айниқса, очик жойлардаги) байрамнинг очилиш маросим-тадбири бўлади. Ундан сўнг, бир жойда – байрам кўргазмалари, кўрик-танловлари; иккинчи жойда – дор ўйини, полвонлар чиқишлари; учинчи жойда - аския ва кизикчилар чиқишлари, кўғирчоқ театри томошалари; тўртинчи жойда – бадий хавоскорлик жамоалари, фольклор этнографик ансамбллари концертлари; бешинчи жойда – спорт мусобақалари кабилар ташкил қилинади. Анъаналар, маросимлар, театрлаштирилган концерт ва томошалар, карнаваллар,

намоишлар, халк ўйинлари байрамларнинг асосий таркибий қисми саналади. Оммавий байрамлар шу каби тадбирлар асосида ўтказилади”¹¹.

Мазкур дарсликни яратишда юқорида номлари тилга олинган байрамшунос олимларнинг илмий ишларидан, Профессор У.Қорабоевнинг “Ўзбек халқи байрамлари”, Б.Шодиевнинг “Наврўз байрами” китобларидан фойдаланилди. Қўлланмада байрамларнинг пайдо бўлиши, қадимги давр байрамлари, ўрта асрлар байрамлари, Темурийлар даври байрамлари, шўролар тузуми давридаги байрамлар ва мустақиллик даври байрамлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек қўлланма оммавий байрамлар режиссураси мутахассислигида таҳсил олувчи талабаларга мўлжалланиб ёзилган бўлиб, унда Марказий майдонда ўтказилаётган Наврўз байрамининг режиссураси хусусида ҳам тахлилий маълумот берилган.

¹¹Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т.2002.

БАЙРАМ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Байрам-ўзига хос, кўп томонли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳар бир инсонни, жамиятнинг ҳаётини намоён этади. Унинг барча дунё халклари орасида тарқалганлигидан, байрамларнинг инсон ва жамият учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик эканлигига амин бўламиз. «Байрам жамият ҳаётининг органик бўлаги бўлиб, шу билан бир қаторда, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини тенглаштириб, омма эркин ҳаёт фаолиятининг марказига айланиб, алоҳида олинган шахснинг эмоционал таранглигини олувчи разряд функциясини бажаради»¹².

Байрамнинг бундай ўзига хослиги, инсоннинг бўш вақтини, яққол намоён бўлувчи шахснинг характерини маданий бойликка айлантириб, бу бўш вақтни, инсониятнинг бошқа бойликлари системаси ичида, ҳақиқий бойликка айлантиради.

«Байрам» - туркча сўздан олинган бўлиб, тўй, маросим, хурсандчилик деган маъноларни билдиради. Байрам сўзининг турли талкинлари бор. Фалсафий энциклопедияда берилган «Байрам» - инсонлар хурсандчилигининг йиғиндиси», - деган талкин энг тўғриси деб ҳисобланади. Байрам ижтимоий маҳаллий ҳаётнинг энг муҳим қисмларидан бўлиб, шодиёна, хурсандчиликни вужудга келтирадиган воқеаларни нишонлайди.

«Эртология» - грекча сўздан олинган бўлиб – байрам ҳақидаги фандир. Мазкур фаннинг юзага келишида ва уни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда И.Снегирёв, И.Сахаров, Ф.Буслаев, А.Афанасьев, Е.Аничков К.А.Марджанов, Д.М.Генкин, И.М.Туманов каби мутахассисларнинг хизматлари катта бўлган. Шунингдек Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Бериуний, Фирдавсий, Фаробий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Бехбудий, Фитрат каби Шарқнинг мутафаккир олиму-фузалолари ҳам

¹² Д.М.Генкин. Массовые праздники М.1975 с. 44

байрамларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ҳақида турли нуқтаи назар билан ёндошганлар ва ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этганлар.

Бу фан ўз ичига байрамлар назариясини камраб олган бўлиб, байрамнинг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш боскичларини ўрганеди. Шу билан биргаликда мазкур соҳадаги муаммо ва камчиликларни ижобий ҳал этиш, халқаро конференциялар ўтказиш, дунё халқлари байрамларининг хилма-хиллигини ўрганиши, байрамларнинг ижтимоий ходиса сифатида, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш мазкур фан мутахасисларининг асосий вазифаларидан биридир.

Оммавий байрамларнинг оммабоплиги шундаки, биринчи навбатда, у амалий намойиш этилганда, ўзининг чуқур ижтимоий - психологик илдизига эга эканлиги намоён бўлиб, сахналаштириш жараёнида тасодифий ҳол ва элементларга йўл қўйилмайди.

Оммавий байрамлар баъзи бир ташкилотнинг хоҳишига қараб ўтказилмасдан, балки кенг халқ оммасининг байрамга бўлган маънавий эҳтиёжи туғилганда ўтказилса, ҳақиқий байрам томошаси юзага келади.

Мустақиллик ғояларини кенг халқ оммасига сингдириш, улардаги юксак фуқаролик тушунчаларини тарбиялашда оммавий байрамларнинг тутган ўрни бекиёсдир. Ҳеч қайси театр, ҳатто энг каттаси ҳам, оммавий байрамлар инсонга таъсир қилгандек кўплаб халқ оммасига таъсир қила олмайди. Шунинг учун ҳам оммавий байрамлар режиссёрининг жамият олдидagi масъулияти жуда ҳам катта.

Ушбу дамда инсонларнинг, хоҳ шаҳарда бўлсин, хоҳ қишлоқда бўлсин, байрамда қатнашишга, бир-бирлари билан мулоқотда бўлишга интилишлари катта аҳамият касб этади. Айниқса, истиклол нашидасини сураётган мамлакатимизда, жамиятимиздаги маънавий-сиёсий муҳит барқамоллашиб шахснинг бўш вақтини унумли хордик чиқаришини тўғри ташкил қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, оммавий байрамлар тарихи, айниқса Ўзбекистон байрамлари тарихининг келиб чиқиш генезиси, унинг турлари тўлиқ ўрганилмаган. Тарих шундай фанки, канчалик чуқур ўргансак, шунчалик кам билишимизга ишончимиз комил бўлади. Айниқса оммавий байрамлар тарихи жуда ҳам кам ўрганилган.

Бу соҳада биринчилардан бўлиб фалсафа фанлар доктори, профессор У.Х.Қорабоев илмий изланишларида Ўзбекистон байрамлари фани ривожига ўзининг катта хиссасини кўшди. Унинг «Ўзбекистон байрамлари», «Ўзбек халқи байрамлари» китобларида бу мавзуга чуқур, илмий ёндашилиб, байрамларнинг келиб чиқиш тарихи тўлиқ ёритишга ҳаракат килинган.

Яқин даврларгача байрамлар тарихи умумий санъат тарихи сифатида (адабиёт ва театр) ўрганилиб келинган эди. Лекин, оммавий байрам ва томошалар ҳар бир тарихий даврда тарбия ва маърифатнинг асосий ўғити сифатида юқори ўринлардан бирини эгаллаб келган.

Оммавий байрамлар тарихига қисқача назар солсак, ўзининг гоёвий жиҳатдан композицион бутун бўлган Қадимги Юнонистон ва Рим давридаги байрамлардан бошласак бўлади. Албатта, қадимги Юнонистон ва Рим байрамларигача ҳам инсоният пайдо бўлганидан кейинги даврда байрамлар вужудга келиб, шаклланган¹³. Лекин бу байрамлар ўзининг маънавий, интеллектуал даражаси, ифодавий шакллари жиҳатидан примитив хусусиятга эга бўлиб, композицион яхлитликка эга бўлмаган.

Қадимги Юнонистон ва Рим даврида ташкил қилиниб, ўтказилган халқ байрамларида оммавий байрамлар драматургияси ва режиссурасининг элементлари вужудга келган.

Қадимги юнонларда байрам ўзига хос мустақил бўш вақт ва дам олишнинг бир шакли бўлиб, ҳатто доимий жиҳатдан ҳам узвий, фаол машғулот турига айланган. Бизга маълумки, Дельфе, Пифий, Немейск ва

¹³ Бу ҳақида кейинги мавзуларда маълумот берилган.

Панфин ўйинлари жуда ҳам оммабоп бўлган. Лекин бу ўйинларнинг ичида энг машхури Олимп ўйинлари бўлган. Олимп ўйинлари махсус қурилган Олимп шаҳрида 4 йилда бир мартаба ўтказилган.

Қадимги Рим Юнонистон билан қўшни бўлишига қарамай, ўтказиладиган байрамлар шакли ва қўриниши жиҳатидан, тубдан фарқ қилган. Юнонистон байрамларида Афина фуқаролари фаол қатнашишган бўлса, қадимги Рим томошаларида томошабин билан иштирокчи ажратилган.

Айнан шу даврдан бошлаб «томоша» сўзи «байрам» сўзининг синонимига айланган.

Рим империяси даврида қаттиқ синфий кураш юзага келгани, империяни қуч билан бошқарилаётганлиги сабабли, аҳолини қалғитиш мақсадида томошалар юзага келади.

Қадимги Рим империяси томошаларида сахна техникаси, таъсирчан воситалар анча ривожланди. Айниқса Римда қурилган машхур Колизей томошагоҳи ҳозиргача инсонларни хайратга солиб келмоқда. Колизей нафақат қатталиги балки, ҳаракатга келувчи аренаси, сахна механизмлари орқали аренани қўлга ёки ўрмонга айлантира олиш каби жиҳатлари билан бутун жаҳонга машхур.

Айниқса, қадимги Римда душман устидан қозонилган ғалабага бағишланган Триумф парадлари ўзига хос театрлаштирилган ҳарбий парад эди. Бундан ташқари, гладиаторлар жанглари, цирк пойғалари, артистлар мусобақалари, денгиз жанглари, луперкали, «кичик триумф» - олқишлаш каби томошалар машхур бўлган.

Ўрта асрларда оммавий байрамларнинг табақаланиши интенсив равишда ривожланди. Айниқса, феодал давлатнинг қуч-қудратини қўқларга қўтарувчи диний байрамлар ривожланди. Шу билан бир қаторда шаҳар майдонларида ўтказиладиган ҳазил-мутойибага қурилган байрамлар халқнинг энг сеvimли байрам томошалари бўлиб, қўплаб халқ оммасини

тўплаб, уларнинг келажакка интилиши ва эртанги кунга бўлган ишончининг куртаги сифатида намоён бўлган.

Расмий байрамлар, бу байрамларнинг акси ўларок, ҳукмрон табаканинг манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган эди. Оммавий байрамларга бундай ёндашиш «дам олиш» деган тушунчанинг ўзгаришига олиб келди. Ўрта асрларда шахснинг дам олиши, ўз хоҳишига қараб эркин бўлмай, черков, дин арбоблари томонидан бошқарилган. Бу даврда диний байрамларнинг ўзи юздан ортиқ бўлган. Катта ер майдонларига, улкан сиёсий кучга эга бўлган черков, байрамларни ҳам ўз қўлига киритиб, халқ олдида ўз устунлигини намоёйиш этиб, ўзининг ташвиқот қуролига айлантирган. Черковнинг бадавлатлиги бу байрамларда костюмларнинг турли-туман ранг-баранглигини таъминлаб, ўзига хос театрлаштиришни вужудга келтирган, бу эса черков маросимларини оммавий байрам даражасига олиб чиқишига ёрдам берган.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг ҳам энг қадимги даврлардан шакллана бошлаган асрлар бўйи авлоддан-авлодга ўтиб қамол топиб бебаҳо меросига айланган байрамлари кўп. Бу байрамлар энг қадимий даврларда халқ оммаси эҳтиёжи билан шакллана борган, ижтимоий зарурат асосида ривож топган ва бошқа халқлар тажрибаси билан бойиб келган.

Ўзбек халқи байрамларини даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

- Ибтидоий даврда вужудга келган байрам шакллари (бунга овчилик ўйинлари, зоофагик (яъни, тотем ҳисобланган айиқ, ёввойи эчки, сугир, бу эса от қабиларга сиғиниш) байрамлар, меҳнат ўйинлари, органист байрамлари ва бошқа байрамларни киритиш мумкин).
- Ўрта Осиё халқларининг қадимий (исломгача бўлган) байрамлар;

- Ўрта асрлардан инкилобгача бўлган даврдаги ўзбек байрамлари;
- Шўролар давридаги байрамлар;
- Мустақиллик давридаги байрамлар.

Жумладан Ўзбекистонда табиат байрамларидан кенг нишонланганларидан бири бу - Наврўз байрамидир. Бу байрамлар хақида Х-ХІ асрларда яшаган буюк комусчи олим Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги халклардан қолган ёдгорликлар” асарида батафсил тўхталиб, унинг моҳиятини очиб, “Наврўзнинг келиб чиқиши хақида турли афсоналар мавжуд, лекин бу масалага илмий ёндашилса, “Наврўз”нинг пайдо бўлиши ҳар томонлама илмий асосланган қонот ва табиат қонуниятлари, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонлианининг бошланиши, баҳорнинг келиши сабаб бўлган. “Наврўз”нинг чуқур илдизига мурожаат қилсак, у энг қадимий даврларда ибтидоий одамларнинг дехқончиликка ўтганидан сўнг далаларда янги иш мавсуми бошланишидан олдин ўтказиладиган баҳор байрамларига бориб тақалади»¹⁴.

Вақтлар ўтиб бу байрам ривожланиб, унга мос кун аниқланиб “йил боши” вазифасини ўтай бошлаган. “Наврўз” байрамини нишонлаш бир ойга чўзилган. Бу хақида Беруний қуйидагича ёзади: “Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин моҳнинг барчаси (кунларини)ни хайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этадилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси улуг кишилар учун, учинчиси подшоҳларнинг ғуломлари учун, тўртинчиси хизматқорлар учун, бешинчиси халқ оммаси учун, олтинчиси чўпонлар учун”¹⁵.

Байрам кунини одамларнинг бир-бирига шакар ва ширинликлар ҳадя этиши (хаётингиз ширин бўлсин деган маънода), гуллар тақдим этиши

¹⁴ А.Р. Беруний. “Қадимги халклардан қолган ёдгорлик». Танланган асарлар, I том, Т.,Фан 1960, 257-258 б.

¹⁵ Уша китоб.

(гўзал бўлинг маъносида), бир-бирларига сув сепишлари (бу йил сув кўп бўлсин, мўл ҳосил бўлсин маъносида) каби бошка бир қатор одатлар шаклланган.

Наврўзга тайёргарлик кўриш одатлари орасида бугдой ёки арпа донини ёғоч идишда ўстириб, баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг марказига қўйишган.

Наврўз асрлар давомида янада ривожланиб, оммавий тус олиб, бизнинг давримизгача ўзининг яна яхши урф-одатлари билан етиб келди. Наврўзда табиат жонланибгина қолмай, инсон табиати ҳам уйғонар эди»¹⁶ - дейди Садриддин Айний. Айниқса Сумалак сайли, Наврўз байрамининг энг асосий анъанаси ҳисобланади.

«Сумалак сайли» асосан икки қисмдан: Сумалак тайёрлаш ва сумалакхўрликдан иборат бўлган. Сумалакни асосан аёллар тайёрлаб, тайёрлаш жараёнида ўйин-кулги, хурсандчилик қилинган.

Сумалак сайли қадимдан инсонларда бирдамлик, аҳиллик ҳиссини тарбиялаб келган.

Табиат байрамларидан яна бири Меҳржон - куз мавсумида нишонланадиган байрамдир. Меҳржон сўзининг маъноси-биринчиси-«жон севгиси», иккинчиси-«куёш» демақдир». Наврўз баҳорда кун билан туннинг барабар келишида нишонланса, Меҳржон-куздаги бу ҳолатни нишонлайдиган байрамдир.

Меҳржон куни ўсувчи нарсаларнинг (етилиши), чегарасига етиб, ўсиш моддаларининг ундан узилиши ва ҳайвонларни наслланишдан тўхталиши содир бўлган.

Беруний берган маълумотга қараганда, «суғдийларнинг Аши-х-ида ойининг 18- куни «Бобохвара» («Бомихвора») номли ҳайити бўлиб, унинг маъноси, узумдан сикиб олинган холис ширани ичишдир». Шу ойнинг 26-

¹⁶ С. Айний. Асарлар. 8 томлик. Т., 1966 7 – том. 199 бет.

куни «Гарм-Хвара»-узум ейиш хайити бўлган. Еттинчи ойнинг 15-куни яна узумга бағишланган кўп кунли байрам бошланиб, у навбатдаги ойнинг 9-куни яқунланган. Бундан кўриниб турибдики, боғдорчилик кенг тарқалган суғдийларда узумга ва узум шарбатидан тайёрланган мусалласга бағишланган бутун бир системали хайитлар бўлган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда-«Қурбон хайит», «Рамазон хайит», «Сув сайли», «Гул сайли», «Қовун сайли», «Хирмон тўйи» каби байрамлар жуда ҳам оммабоп бўлган.

Қадимдан, инсоният пайдо бўлган замондан бошлаб, байрамлар шахснинг ҳаётдаги муваффақиятлари, орзу-умиди, воқеа, ҳодисалар, меҳнатдаги ва бошқа соҳалардаги ютуқлари, босиб ўтган йўлларини чуқур англаш, галабалардан фахрланиш, эртанги кунга умид билан яшаш, байрам арафасида бир-бирини қутлаш, келажак ҳаёт учун яхши истаклар билдириш, ишларига омад, бахт тилаш, ўзлигини, миллатини англаш, миллий мафқурасига эга бўлишдек ғояларни илгари сурган. Байрамлар вақт кадрига етиш, уни эъзозлаш учун шароит яратади.

Байрам инсонларнинг эстетик кечинмаларига таъсир қилиб, шахснинг маънавий дунёсини бойитадиган воситадир. Байрам ва томошаларнинг асосини миллий кадриятларга бўлган ҳурмат, эҳтиром эгаллаб, инсонларга бадиийлик, санъат орқали эстетик завқ бағишлашдек вазифалар устувор туради. Байрам ташкилотчилари, айниқса сценарийчи, режиссёр ишлатилаётган материалларнинг долзарблиги, ҳужжатлар, фактларнинг аниқлиги ва уларнинг бадиий услублари ёрдамида синтезлаш каби вазифалар улардан жуда ҳам катта жавобгарликни талаб қилади. Бундай тадбирлар инсонларнинг ижтимоий-психологик талабларига жавоб бериб, майда гуруҳлардан оммавийликка ўтиб, шахсларнинг оммавий ҳаракатидаги фаолликларини ошириб, байрамона дам олишдек шароитни яратишга туртки бўлади.

Майдонларда, боғларда, кўчаларда ўтказилаётган оммавий тадбирлар нафақат оммавий хатти-ҳаракатни юзага келтиради, балки карнаваллар, сайиллар, фестивалларда эстетик завқ бағишлаб, томошаларнинг томошавийлигини ошириб, байрамона кайфиятни вужудга келтиради. Чунончи, байрамларда инсонлар янги, гўзал кийимлар кийишади, лаззатли таомлар тайёрлашади, ҳамма кўтаринки кайфиятда бўлади. Байрам кuni ёмонлар-яхши, хасислар-сахий, хунуклар-гўзал бўлади. Байрамларнинг афзалликлари ҳақида қанча гапирсак оз, у кенг халқ оммасини ўзига жалб қилиб, маданий, маънавий озуқа бериб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг намоиш қилади.

Профессор Э.В. Соколов байрамларнинг аҳамияти ҳақида куйидагиларни ёзади: «Байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики, у муҳим анъаналарни қўллаб, инсоният маданиятининг ютуқларини мустаҳкамлайди»¹⁷. Дарҳақиқат, байрамлар миллатнинг, жамиятнинг моддий ва маданий соҳаларидаги энг яхши томонларини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон байрамларида анъанавий халқ педагогикаси қатта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунгача бу анъаналар бизга етиб келган. Айниқса, инсонлардаги бир-бирини эъзозлаш, қатталарни ҳурмат қилиш, эзгуликка интилиш, гўзалликни асраш, миллий кадриятларни кадрлаш, илм-фанга интилиш, ватанни севиш каби чуқур фалсафий ғоялар илгари сурилиб, тарбиянинг пойдевори бўлиб хизмат қилган. Замонавий байрамларимизда ҳам ана шу халқ педагогикасининг асосий ўғитлари сақланиб қолган.

Оммавий байрамларни ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг педагогик аспекти шундаки, бу эҳтиёж, кизикишни сценарий режиссёрлик ва ташкилотчилик фаолиятини амалий кўрсатиш ёрдамида қондиришга

¹⁷ Соколов Э.В. Свободное время. Ташкент, 1988.



эришишдир. Байрамларни назарий ҳамда амалий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, байрам оддий маданий-маърифий тадбир бўлибгина қолмай, балки юқори ижтимоий, инсониятнинг чуқур илдизли ҳаёт фаолиятининг комплекс шаклидир. Бу шаклни тадбир этиш борасида Д.М. Генкин, А.А. Канович, Е.В.Руденский, Л.С. Лаптева, А.Ф. Мазаев, У.Х. Қорабоев, Б.С. Сайфуллаев каби олимлар изланишлар олиб бордилар.

Д.М. Генкин байрам ва байрамонга кайфиятни таҳлил қилиб, қуйидаги асосий компонентлар ва бирламчи ижтимоий эҳтиёжларни ажратиб кўрсатади:

1. Бириқишга бўлган эҳтиёж, воқеаларга бўлган шахсий чидамлилиқни тоблаб, унга бўлган муносабатини изҳор этишда бир мақсад сари интилиш;
2. Кенг ижтимоий мулоқотга интилиш эҳтиёжи;
3. Жамоа эмоционал ҳаётидаги, жамоа хурсандчилиги, тантанаси, интилишларини намоён этишга интилиш эҳтиёжи.

Бу ғояларнинг амалга ошишида ҳақиқий, композицион жиҳатдан мукамал, маънавий жиҳатдан бой, байрам томошаларини яратиш оммавий байрамлар режиссёрларидан жамиятимиз олдида катта масъулиятни талаб қилади. Оммавий байрамлар театри бу, аввалам бор, қахрамонона театрdir. У ўз ғояси бўйича масштабли ва монументалdir.

Оммавий байрам ва томошалар ҳақида фикр юритишдан олдин биз, байрам билан томоша ўртасидаги фарқни англаб олишимиз лозим. «Байрам» тушунчаси, «томоша» тушунчасидан анча кенгdir. Байрам ҳар доим кенг, фаол, ижодий халқ оммасининг иштирок этиши билан фарқ қилади.

У катта майдонларни эгаллаб, ҳеч қандай узвий сахна майдони ва чегарасига эга бўлмайди.

Томоша бўлса, байрамдан фаркли, донмо аник сахна майдонида ўтказилиб, узвий сахнавий чегарага эга бўлиб, халк оммасини иштирокчи ва томошабинга бўлади.

Оммавий байрам тузилиши ва шакли бўйича турли-туман бўлиб, у хар бир шахарда, хар бир кишлокда, хар бир мехнат корхонасида ўтказилиб, маданий-маърифий ишларда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Оммавий байрамда бир варакайига бир нечта бадий харакат юзага келиб, томошабиннинг ўзи ўз диққат объектини топиши лозим.

Оммавий томоша байрамнинг театрлаштирилган кисми бўлиб, байрам структурасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Томошанинг вакти чегараланган бўлади. Байрам эса, хеч қандай вақт бирлигида чегараланмайди. У бир кундан бир ойгача давом этиши мумкин (масалан: Наврўз байрами). Лекин байрам асосини томоша ташкил қилади. Композицион жихатдан бир-бирига ғоявий боғланган бир қанча тамошадан байрам вужудга келади.

Байрамлар спецификаси бўйича, бир қанча турларга бўлинади.

I. Ижтимоий-сиёсий байрамлар:

- 1 сентябрь - Республикаимизнинг «Мустақиллик» куни;
- 8 декабрь - «Конституция» куни;
- 14 январь - Ватан химоячилари куни;
- 9 май - Хотира ва кадрлаш куни;
- 21 октябрь - Тил байрами.

II. Миллий байрамлар:

- «Наврўз» баҳор байрами;
- «Қовун сайли»;
- «Гул сайли»;
- «Сув сайли»;
- «Олма сайли»;

- “Кум сайли”;
- “Лола сайли”;
- “Кушлар байрами”;
- “Она ер саховати” байрами;
- “Меҳржон”;
- “Биринчи кадам” болалар байрами.

III. Меҳнат байрамлари:

- «Биринчи чигит кадаш» байрами;
- «Ҳосил» байрами;
- «Пахта» байрами;
- «Биринчи гул» байрами;
- «Биринчи қарвон» байрами.

IV. Диний байрамлар:

- Қурбон ҳайит;
- Рамазон ҳайит.

V. Календарь-профессионал касб байрамлари:

- Ҳитувчилар ва мураббийлар куни;
- Радио куни;
- Театр куни;
- Шифокорлар куни;
- Милиция ходимлари куни;
- Матбуотчилар куни;
- Савдо ходимлари куни;
- Металлургия куни;
- Авиаторлар куни;
- Темир йўлчилар куни;

- Шахтёрлар куни;
- Нефтчилар куни;
- Геологлар куни;
- Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги куни;
- Қурувчилар куни.

VI. Календарь байрамлари:

- 1 январь - Янги йил байрами;
- 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами;
- 1 июнь - Халқаро болалар куни;
- 1 апрель - Қулги ва ҳазил куни ва х.к.

Охириги йиллар оммавий байрамларнинг жанр муаммолари долзарб бўлиб турипти. Ўтказилаётган байрамларнинг жанрини аниқлашда баъзи мутахассислар қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Баъзан оммавий театрлаштирилган байрамларнинг жанри йўқ, деган қулгили сўзларнинг гувоҳи бўламиз. Лекин бундай фикрлар нотўғри. Театр санъатидаги каби, оммавий байрамлар ҳам ўз жанр турларига эга. Бу муаммони режиссёр, олимлар Д.М. Генкин, И.Г. Шароев, И.М.Туманов, А.Д. Силин, Н. Вершковский, У. Қорабоевлар ўз изланишларида исботлаб берганлар. Уларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, оммавий байрамларни қуйидаги жанр турларига бўлиш мумкин:

- театрлаштирилган концерт;
- концерт-митинг;
- оммавий сайл;
- театрлаштирилган намоиш;
- кўчаларда, майдонларда, стадион ва боғларда ўтказиладиган байрам харакати;
- миллий санъат декадалари;
- санъат фестиваллари;

- кўшик байрамлари;
- ракс байрамлари;
- карнаваллар;
- сувда ўтказиладиган байрамлар;
- очик хавода намоиш этиладиган театр-спектакллар;
- кўча байрамлари;
- спорт байрамлари;
- болаларнинг театрлаштирилган байрамлари.

БАЙРАМЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Энг қадимги даврларда одамларнинг тўда-тўда бўлиб яшашининг сабаби, йирткич хайвонлар, табиий офатларга қарши қурашиш, совуқдан сакланиш қабилардир. Ўз ўрнида тўдаларнинг сардорлари бўлиб, улар ўзига хос имтиёзларга эга бўлган ва ўзлари учун янгича имтиёзлар яратиб олишган. Бу ҳолатлар тўдадаги баъзи бирлар учун ёқмаган ва шунинг оқибатида сардор билан қелишмовчиликлар қелиб қикқан. Улар ўзаро жанжаллашиб, бир-бирини ўлдиришгача боришган. Тўданинг бошқа аъзолари учун бу ўзига хос томошага айланиб бораверган.

Тўда сардорига сўзсиз бўйсунуш, ов қилиб ёки йиғиб-тешиб олинган нарсаларни биргаликда баҳам қўриш, жамоада жанжал қикарганларни жазолаш қабил одатлар, юқоридаги қабил тартибсизликларга чек қўйиш мақсадида қонун вазиқасини бажарган.

Жамоа - ундаги эрқак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар асосида ривож топган. Бирок бу муносабатларнинг маданийлашиш жараёни осон қечмаган ва у узок давом этган. Матриархат даврида аёллар қамиятда етакчи ўрин эгаллашган. уруғ бошлиғи аёл бўлган. Аёллар уй ишлари, овқат тайёрлаш, бола тарбиялаш ишлари билан шуғулланишган. Эрқаклар эса, аёлларга бўйсуниб, асосан овчилик билан машғул бўлишган. Эрқакларнинг аёллар сонидан қўплиги ёки аёллар сонининг эрқаклардан қўпайиши муносабати билан ўзига хос одатлар пайдо бўла бошлаган. Тарихда қўп хотинлилик одатлари бўлганлиги бизга маълум. Бирок қадимда унга тесқари удум – қўп эрлилик ҳам бўлган. Жумладан, машхур археолог Н.Толстов ўзининг “Кўхна Хоразм” (“Древний Хорезм”) деган асаридида қўп эрлилик ҳақидида қизиқарли маълумотлар беради. Қадим замонларда битта аёл бир йўла бир неча эрқакка ёки ақа-уқаларга турмушга қикқан. Унинг бош эри – қатта ақа ҳисобланган. Ўша даврларда аёлнинг эри қанча қўп бўлса, унинг обрўйи шунча қаланд бўлган. унинг

канча эри борлигини бош рўмолидаги ўрам чизикларидан билишган. Албатта, бундай одатлар эркакларга нисбатан аёллар камайиб кетган даврларда содир бўлган. Бундай даврларда киз кўриш омад ҳисобланган. Бироқ шундай даврлар ҳам бўлганки, кизлар кўп туғилиб, жамиятдаги мувозанат бузилган. Баъзи уруғларда бунинг олдини олиш мақсадида ваҳший одатларни қўллашган. Масалан, қадимий араб қавмларида кизлар кўп туғилса, келгусида улар бахтиқаро бўлади деб (айникса, касал, хунук, майиб) кизларни қабрга солиб кўмишган.

Бизга маълумки, оиланинг илк шакллари турли жойларда турлича хилда пайдо бўлган. Якка (жуфт) оиланинг вужудга келиши инсоният ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлган. Чунки оилаларнинг пайдо бўлиши уруғчилик жамиятини эр-хотиндан ташкил топган кичик гуруҳларга бўлиб “оилалар жамоаси”ни вужудга келтирган.

Матриархат даврида, одатда, киз ўзига қайлик танлаган. Лекин киз ўзи истагини ҳаммага билдириши ва танлаган куёвини барчага таништириши шарт бўлган. Кўпинча ана шу таништирув пайтида ёки ундан сўнг зиёфат берилган. Бу ҳолнинг одатга айланиши кейинчалик тўй маросимининг вужудга келишига тўртки бўлган.

Тўй маросимларининг илк шакллари уруғчилик даврида оила вужудга келиши билан шакллана бошлаган. Матриархат даврида куёв махсус синов асосида, турмуш қуришга тайёргарлигини синаб кўриш бўлган. Куёвни турмушда лозим бўладиган ов қилиш, ўтин ёриш, олов ёқиш, олишиш (жанг) қабилар бўйича қобилиятлари синаб кўрилган. Патриархат даврида эса тесқари жараёнлар кўзга ташланади. Келин кийим тикиш, уй-рўзғорни тартибга солиш, овқат пишириш каби лаёқатларини намоён қилган. Мана шундай ҳолатлар негизида, инсониятнинг маданийлашуви негизида жамиятнинг илк бошланғич асоси – оила ва унинг пайдо бўлишига асос – тўй маросими вужудга келган.

Қадимдан сакланиб колган кабрстонларни ўрганиш, у даврдаги одамларнинг дафн қилиш одатлари ҳақида маълумотлардан ибтидоий одамларнинг қадимги одатларини, туғилиш, улғайиш, уларнинг ўлимига оид одатларни кўпроқ топиш мумкин. Селенгур ғорида (бундан 700-500 минг йиллар бурун), Кўлбулок маконида (бундан 500-150 минг йиллар илгари), Тешиктош ғорида (бундан 150-40 минг йиллар бурун) яшаган одамлар қабрларини ўрганиш асосида ибтидоий одамлар ҳаётида қандай одатлар бўлганлиги ҳақида муайян тушунчага эга бўлиш мумкин.

Маълумки, инсоннинг илк машғулоти – теримчилик (ёки термачилик) бўлган. Чунки инсон ибтидоий даврда табиатнинг ўзида мавжуд бўлган неъматларни териб, еб юрган. Ибтидоий одамларнинг онгли меҳнат жараёнида кашф этган иш усуллари, орттирган тажрибалари кўникмага айланиб, аста-секинлик билан меҳнат қилиш одати сифатида авлоддан-авлодга ўта бошлаган. Маҳоратли теримчиларнинг тажрибаларидан бошқалар ҳам фойдаланишган. Меҳнат тажрибаси – анъаналарни ўзлаштирмаганлар эса кўп ишлаган, вақти кетган, чарчаб, толиққан. Улар кўпинча оч қолишган. Кекса авлоднинг мева териш тажриба-одатларидан фойдалиниш ёш авлоднинг вақтини тежаб, ишини енгиллаштирган. Меҳнат анъаналарини шакллантирган, уни саклаб, эъзозлаган қабилалар тез тараккий этиб борган. Ибтидоий одамларнинг дов-дарахтларнинг тўкилган мевалари, ўсимликларнинг доналарини териш билан машғул бўлиши бу соҳага оид одат, ўйин-мусобақа, базм-зиёфат, маросимларни вужудга келтирган. Улар қуйидагича шаклланган:

- табиий озикни излаб топган одамлар меваларни тезроқ териб олишга ҳаракат қилишган. Қим кўп ва тез мева захирасини йиғса, у тўқ бўлган. тез ва кўп мева териш эҳтиёжи ўзига хос рефлекс – кўникмани вужудга келтирган. Шу тарзда термачилик кўникма, тажриба ва одатларни шакллантириб борган.

- қариялар ёш болаларга мева теришни ўргатишга ҳаракат қилишган. Чунки қарияларга дарахтни шохларида туриб, мева териш осон бўлмаган. Болаларда эса бундай серҳаракат ишга мойиллик бўлган. Бундан фойдаланган қариялар болаларга мева теришни ўйин сифатида ўргатишган ва шу тарзда уларни меҳнатга тайёрлашган. Кейинчалик мева териш машқ эмас, балки махсус ўйин-мусобақа сифатида ҳам ташкил қилинган.
- ибтидоий одамлар ўртасида серҳосил жойларни эгаллаш учун жанглар бўлиб турган. Бундай жанглар оқибатида қурбонлар ҳам кўп бўлган. аста-секинлик билан бу борадаги можароларни маданий тарзда ҳал қилиш йўллари изланган. Дастлаб, икки уруғ одамлари эмас, балки сардор (оксокол)лар ўзаро жанг қилишган. Ғолиб ўз жамоаси чегарасини белгилаган. Кейинчалик ўлим билан тугайдиган жанглар ўрнига, сардорларнинг маданийлашган олишувлари вужудга келган. Ана шу олишувлар ҳозирги миллий курашларнинг ибтидоси бўлган.
- одамлар онгида, турмушида маданийлашиш чуқурлашгани сари улар муаммони уруш-жанжал орқали эмас, тинч йўл билан ҳал қилишга ўтишган. Шу мақсадда, бир уруғ иккинчи уруғ вакилларини меҳмонга чақирган ва умумий масалаларни ҳал қилишга интиланган. Мезбонлар ўз фикрини фақат сўз орқали ифодалаш билан қифояланмасдан, махсус пантомима – ҳаракат-ракс шаклида ҳам билдиришган. Ҳар бир ҳаракатнинг ўз рамзий маъноси бўлган. Мезбонлар фикрини англаган меҳмонлар ҳам жавобларини ўйин-ракс шаклида ифодалашган. Бундай томошавий фикр алмашиш ижобий яқунланганда, мезбонлар зиёфат беришган, базм уюштиришган.

Ибтидоий одамлар ҳаётида “овчилик ўйин”лари алоҳида ўрин тутиб, улар овдан олдин ҳамда ундан сўнг ҳам ўтказилган. Овдан олдинги

ўйинлар ов олди машини (овга тайёргарликни текшириш, овга рухий ва жисмоний шайланиш) вазифасини ўтаб, ўзига хос кичик жиддий тадбир шаклида уюштирилган. Ов олди машқларида одамлар ўлжани қўлга олиш, унга яқинлашишни ўрганишган. Бунинг учун никоб кийиб хайвон киёфасига кириш, унинг юриш-туриш ва товуш чиқаришларини машқ қилишган. Бу ўйинларда ёшлар ҳам иштирок этган ва улар ов қилишга ўргатилган. Бу эса ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, биринчидан, жамоа аъзоларида овчилик маҳоратининг ўсишига ёрдам берган, иккинчидан, уларда тақлид қилиш санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.

Овдан сўнги ўйинлар эса ов муваффақиятли тугаган пайтдагина ўтказилган. Негаки овдан ўлжа билан қайтиш жамоани очликдан қутказган. Тўқлик туфайли хурсандчилик, базм-байрам қилиш кайфияти пайдо бўлган.

Овчилик асосида чорвачилик шаклланган. Овланган хайвонларни келгусида овқат сифатида истеъмол қилиш учун боқиб юриш чорвачиликка асос солган. Шу тариқа аста-секинлик билан уй хайвонларини боқиб ва қўпайтириш тажрибалари вужудга келган.

Ибтидоий одамлардан дехқончиликни ўрганиш жараёни аста-секинлик билан янада янги одатларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Бронза даврларидан бошлаб, ўтроқ дехқончилик вужудга келиши ва унинг тез ривожланиши натижасида икки анъана: 1) баҳорда меҳнат мавсумини бошлаш ва 2) кузда ҳосилни йиғиб-териш олишга бағишланган маросим – байрамлар юзага келган. Дехқонлар ҳаётидаги энг қувончли воқеа ҳосилни йиғиб ва янги ноз-неъматларни татиб кўриш жараёни бўлган. Ёз бўйи меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга эришиш дехқонларда кўтаринки кайфиятни вужудга келтирган. Тўпланган ҳосилдан мамнун бўлган одамлар шод-хуррамлик билан меҳнат жараёнларини ўйинлар маросимлар орқали акс эттиришган. “Меҳнат ўйинлари” яхши кайфият, байрамона руҳни яратган. Ўтроқ

дехкончиликнинг тез ривожланиши натижасида баҳорда меҳнат мавсумини бошлаш, кузда ҳосилни йиғиб олишга бағишланган тантаналар аста-секинлик билан анъана-байрамга айлана борган.

Умуман, кишилардаги яхши яшаш истаги ва уларнинг онгли меҳнат қилиши ва тажриба орттириши меҳнат одатларини вужудга келтирган. Агар инсоннинг илк машғулоти асосида термачилик одатлари, овчилик асосида “овчилик ўйинлари” вужудга келган бўлса, чорвачилик ва дехкончилик билан шуғулланиш натижасида махсус меҳнат анъаналари ва маросимлари шаклланган.

Ўз навбатида, одатлар меҳнатнинг такомиллашиб бориши ва кишилар ҳаёти яхшиланиб боришида ҳам муҳим ўрин тутган. Чунки одатлар бошқалар тажрибасидан, илғорлар ютуғидан, кексалар ибратидан, авлодлар меросидан самарали фойдаланишга имконият яратган.

ЗАРДУШТИЙЛАР БАЙРАМЛАРИ

Тарихдан маълумки, ўзбек халки азал-азалдан не-не воқеаларни бошидан кечирмаган. Турли даврларда ўз ҳукмронлигини амалга оширган босқинчилар нафакат, харбий кучларини, балки, ўзининг урф-одатларини, байрамларни, динини, маросим ва удумларини ҳам олиб келган ва халк оммасига татбиқ этган. Ушбу амалларни бажармаган кишиларни аёвсиз жазолаган. Шу тариқа халқимизнинг урф-одат ва байрамлари секин-аста шаклан ва маънан ўзгариб борган. Бир томондан байрамларимиз маънавий жиҳатдан бойиб борса, иккинчи томондан унитилиб ҳам кетилган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошида зардуштийлик дини кенг ривожланган. Мазкур дин қадимий эътиқодлар, жумладан, митраизм (қуёшпарастлик) замирида тараккий этган. Ушбу динда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, оқ ва қора, кун ва тун каби тушунчалар ҳақида фикр юритилган. Уларда;

Ахурамазда (Хурмуз) – эзгулик худоси,

Анхара-Майнью (Аҳриман) – ёвузлик худоси саналган.

Зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар барча ижобий ва салбий ҳодисаларни Ахурамазда ва Анхара-Майньюга боғлиқ деб тушунишган. Чунки, зардуштийлар дунё асосини икки қарама-қарши ҳодиса – эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, ёруғлик ва қоронғилик, нур ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, поклик ва ифлослик, эркинлик ва тобелик ўртасидаги кураш ташкил қилади, деб қарашган. Зардуштийлик динида Ахурамазда билан бирга қуйидагиларга ҳам эътиқод қилишган:

- Митра - йигит қиёфасидаги қуёш ва ёруғлик тангриси,
- Анахита - гўзал қиз сиймосидаги унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонлик тангриси,
- Ҳумо - гўзал қуш қиёфасидаги сув тангриси,

- Миррих - ёш жангчи киёфасидаги уруш ва ғалаба тангриси.

“Авесто”да: “Диний русум ва маросимларга эътиборсизлик оқибатида одамларни бит деб аталувчи храфсастралар, экинзорларни бугдойларни нобуд килувчи хашаротлар, уйларни либосларни кемирувчи махлуқлар босиб кетади”, деб қайд этилган. “Авесто”да ажодларимизнинг фалсафий қарашлари, орзу-ўйлари, эътиқоди акс этиши баробарида одатлар, маросимлар ва байрамларга ҳам алоҳида эътибор берилган. “Авесто”да барча салбий ҳодисалар аввало одат-маросимларга итоат қилинмаганидан келиб чиқади, деган ғоя олға сурилган.

“Авесто”да одат-русумларни билмаслик, уларга эътиборсиз қараш жуда қаттиқ танқид қилинган. Масалан, Зардушт: “Қим...қасаллик ва ўлим келтирувчи?” – деб сўраганда Ахурамазда унга: “...покланиш русумини тугал билмай туриб, бир нопокни поклашга журъат этган” деб жавоб беради.

Ажодларимиз борлиқдаги муҳим тўрт нарса (қуёш, ҳаво, ер, сув)ни аниқлаш билан бир қаторда, улар билан боғлиқ тўрт улуғ кунни ҳам белгилаб, нишонлашга одатланишган. Масалан, табиат уйғониши, кун-тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши палласида Наврўз; ёзда – қуёш тик бўлиб, тун қиска, кун узун давом этганида, ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган тадбир – Ангом (Вахшангом), кузда кун-тун тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, дехқонлар даладаги ҳосилни йиғиб олган вақтда Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда); кишда – энг узок тун ва қиска кун содир бўлиб, совук авжига чикқанида (“қишки чилла”), исинишга эҳтиёж кучайган пайтда Сада – Олов байрами (гулханларда исиниш) қабиларни уюштиришган. Милоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси кишиларнинг табиий эҳтиёжлари асосида қарор топган.

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқларнинг қадимий байрамларини ўрганишда X-XI асрларда яшаган буюк комусий олим Абу Райҳон

Берунийнинг “Қадимги халклардан қолган ёдгорликлар” (“Осор ул-бокия”) асари муҳим аҳамиятга эга. Беруний ўзининг бу асарида қадимий эронийлар, хоразмийлар, сўғдийлар, румликлар, яхудийлар, сурияликлар, насронийлар, хиндлар ва бошқалар календаридоги машҳур кунлар, хайитлар ва одатлар ҳақида тарихий-маданий аҳамиятга эга бебаҳо маълумотларни баён этган. Мазкур асарда Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм ва Сўғд халқларининг зардуштийлар давридаги йиллик календар байрамлари ҳақида ҳам қизиқарли мулоҳазалар ёзиб қолдирилган.

Ўзбекистоннинг лалмикор (фақат ёмғир суви билан суғориладиган) жойларида, авваллари сув сепиш махсус маросим сифатида уюштирилган. Бу Сув хотин (Суст хотин) маросими деб юритилган. Бу маросим баҳор-ёз ойлари ёмғир ёғмай, қурғоқчилик бошланиб, экинзорлар қовжираганда, “ёмғир чақириш” мақсадида ташкил қилинган. Оксоқолларнинг кўрсатмасига биноан, кишлоқ аёллари катта кўғирчоқ ясашиб, унга қари кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сўнгра махсус кўшиқлар айтишиб, кўғирчоқни далалардан, кўчалардан кўтариб ўтиб, ҳар бир хонадонга олиб киришган. Маросим катнашчилари Сув хотин кўшиғини айтиб, ҳовлиларга киришганида уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилашиб, кўғирчоқ устидан сув сепишган, хайр-эхсон қилишган.

Берунийнинг асарида маълум қилинишича, шу куни одамлар Жайхун дарёсига бориб чўмилишган. Шунингдек, Беруний эронликларнинг Хоразм одатларига ўхшаш хайити хусусида тўхталиб: “Омул ахолиси шу куни Ҳазар (Каспий – У.К.) денгизига бориб, куни бўйи сувда ўйнашиб, шўнгишадилар”, дейди.

Баҳор ва ёз ойларида Ўрта Осиё иқлим шароитида сувга эҳтиёж ортиши боисидан ўлкамизда сувга бағишланган турли одат, байрамларнинг пайдо бўлиши табиийдир.

Байрамлар, юкорида эслатиб ўтганимиздек, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятини акс эттириши баробарида, асосан инсон фаолиятини

мадх этишга қаратилган. Бу жихатдан исломгача бўлган кузги байрамларнинг иккитаси, айникса, диққатга сазовордир. Уларнинг бири – “Тиргон” (ёки “рўзи тир”)дир. “Тир”, “тирама” сўзи ҳозир ҳам “куз” деган маънони билдиришини ҳисобга олсак, бу ҳақиқий куз байрами эканлигини билдиради. Беруний “тир” сўзининг маъносини “дахуфазлик” ва “деҳқончилик” билан боғлайди. У бу ҳақда шундай деб ёзади: “Дахуфазлик” – дунёни саклаш, уни кўриклаш ва дунёда ҳукмдор бўлиш, шунингдек “деҳқончилик” эса дунёни обод этнш, экин экиш ва дунёни тақсим этиш – иккиси эгизак бўлиб, дунё шулар билан обод ва доим барқарор бўлади, унинг бузуклиги тузалади”.

Қадим замонларда Тиргон катта байрам бўлиб, ўша куни барча қосиблар ва деҳқонлар янги кийим кийиб юришган. Бу байрамда бугдой ва мевалардан махсус таом тайёрланиб, дастурхонларга тортилган. Баъзи жойларда эса шу куни чўмилиш одати бўлган. “Тиргон”нинг мазмуни ва одатлари унинг “куз боши”да йиғим-терим бошланишидан олдин ўтказиладиган байрам эканлигидан далолат беради.

Куз мавсумида нишонланадиган катта байрамлардан яна бири – Меҳржон (ёки Меҳрғоҳ, Хоразмда – Чирируж, сўғдийларда - Нимсарда) бўлган.

Эрамиздан аввалги даврларда аждодларимиз узум, мевалар пишган пайтда қадимги юнонларнинг “Дионис” байрамига ўхшаш байрам ҳам ўтказишган.

“Дионис” ёки “Вакхих” байрамлари Ўрта Осиёга Александр Македонский (Искандар) ҳукмронлик қилган даврда пайдо бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Лекин академик С.П.Толстов ва бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлаши ҳамда Хоразм, Каттакўрғон ва Термиз атрофларидан топилган археологик топилмаларга қараганда ўлкамизда узум пишиқчилигига бағишланган байрам юнонлар қелишидан аввал ҳам бўлган. Берунийнинг ёзишича, сўғдийлар Аши-х-ида ойининг 18-кунида

“Бобахвара” (“Бомихвора”) номли байрам ўтказишган. “Бобахвара” сўзи узумнинг сиқиб олинган тоза ширасини ичиш деган маънони билдирган”.

Шу ойнинг 26-кунида улар “Гарм-Хвара” – узум ейиш байрамини ҳам нишонлашган. Еттинчи ойнинг 15-куни яна узумга бағишланган кўп кунли байрам бошлашиб, уни кейинги ойнинг 9-куни якунлашган. Боғдорчиликда моҳир бўлган сўғдийларда узумга ва узум шарбатидан тайёрланган мусалласга бағишланган яхлит бир тизимни ташкил этувчи байрамлар бўлганидан далолат беради.

Зардуштийлик динининг асосий моҳияти оловга сизгиниш билан боғлиқ бўлган. зардуштийларда олов кишиларни ҳар қандай гуноҳдан покловчи куч, деб қаралган. Шунинг учун ҳам бу динга ишонувчилар “оташпарастилар” деб аталган. Олов билан боғлиқ маросимлар ва байрамларнинг оммалашishi сабаблари ҳам аждодларимизнинг зардуштийлик динига этикод қилганига бориб такалади. Зардуштийлик динига ҳос бўлган кўпгина одатлар, байрамлар, расм-русмлар ҳозирги пайтгача ҳам сақланиб қолган. Албатта улар ичида энг қаттаси Наврўз байрамидир. Шу билан бирга, қасалликнинг олдини олиш ёки ундан сақланиш учун исирик тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг қатта гулхан алангаси устидан сакраш ўйинлари, баъзи беморларнинг шифо топиш мақсадида гулхан устидан ҳатлаб ўтишлари, чақалокни олов устидан ўтказиб олиш каби удумларни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Қуёшни озодалик билан қутиб олиш, тонгдан ҳовлини тозалаш, уйни супуриш, ювиниш, ўчоққа олов ёқиш, олов ёрдамида озик-овқатларни зарарсизлантириш, қул, турли гиёҳларни тутатиш қабилар ҳам зардуштийлардан ўтиб қелаётган одатлардир.

ЎРТА АСР БАЙРАМЛАРИ

Юкорида билдирилган фикрларимизнинг тасдиғи сифатида яна бир нарсани таъкидлаш керакки, зардуштийлик дини, уларнинг урф-одат ва байрамлари халкимиз онгига сингиб, уларсиз инсонлар хаётини тасаввур қилиб бўлмайдиган бир пайтда Ўрта Осиёга ислом дини кириб келди. Халк хаётида нафакат диний байрамлар, балки урф-одат ва маросимлар ҳам кескин ўзгара бошлади. Лекин зардуштийлик одатлари батамом йўқ бўлиб кетмади.

Ислом дини кириб келиши байрамлар тарихида алоҳида ўрин тутди. Чунки бу байрамлар ўрта асрлардан бошлаб, аждодларимиз хаётига жуда кучли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий таъсир кўрсатган.

Исломгача бўлган байрамлар ўша даврнинг ўзига хос қонуниятлари ва ижтимоий хусусиятлари асосида юзага келган. Уларни тушуниш учун ўша давр нуктаи назаридан ёндашиш керак. Ўша байрамларнинг мазмун, моҳияти Беруний ҳукмдорларнинг бундай байрамлардан манфаатдор бўлганлиги хусусиятида қуйидагиларни ёзади: “Подшоҳлар, раислар шу кунларда маросимлар ўтказганлар ва улар орқали нафсларини қондиришга, руҳларини шодлантиришга эришганлар ҳамда мактов ва мадҳга сазовор бўлган, одамларнинг муҳаббатини дуосини олганлар”.

Берунийнинг хайитлар ва машҳур кунлар оддий халк хаётида қандай ўрин тутганлиги хақида ҳам қуйидагиларни баён этади: “Ана шу хайитлар фақирлар хаётининг танглигини кенгликка айланттирувчи, умидворларнинг орзуларини юзага чиқарувчи ва ҳалокатга яқинлашганларни хатар ва балодан қутқарувчи сабабларнинг бири бўлди”. Сўнгра у диний характердаги байрамларнинг моҳиятини баён этиб: “Диний хайитларга келганда буларни... шариат арбоблари, имомлар, фақирлар ва диндорлар келтириб чиқарганлар. Бундай байрамларни ижро этишдан мақсад охират учундир” деб ёзади.

Исломгача бўлган қадимги байрамларни ҳукмдорлар ўйлаб топган эмас. Улар табиий эҳтиёж заминида пайдо бўлган. бу байрамлар аввало табиат билан узвий боғлиқ бўлиб, уларда меҳнат жараёни ҳамда турмушнинг муҳим воқеалари таъсирчан тарзда акс эттирилган. Бу байрамлар табиат шодлик ва хурсандчилик ҳолатини вужудга келтиргандагина нишонланган. Масалан, баҳор келиб табиат уйғониши, даладорнинг ям-яшил либосга бурканиши кишиларда беихтиёр байрам кайфиятини уйғотади. Ёзда қуёш тик келиб, энг узоқ кун ва қиска тун содир бўлганда ва ҳарорат юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган хайитлар (Ангом хайит, Вахшангом) ўтказилган.

Диний байрам – Қурбон хайити (арабча номи – “ийдаль кабир”, “ийд аль-адҳо”) етти кун, ҳозир уч кун – ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10-13 кунларида ва кичик байрам – Рўза хайити (арабча номи “ийдас-сағир”, “ийд ал-фитр”) ҳам уч кун – шаввал ойининг 1-3-кунларида нишонланган бўлиб, Ислом динининг асосан байрами ҳисобланади. Бу байрамларнинг асосий мазмуни эрталаб масжидларда номоз ўқиш, марҳумларни ёд этиб, дуои фотиҳа қилишдан иборатдир. Қурбон хайитида ҳаж амалларини адо этиш ва қурбонлик қилиш, рўза хайитида эса рамазон ойи ниҳоясида “оғиз очиш” маросими, фитр-садақа бериш каби амаллар бажарилган.

Мавлуд (мавлуд аннабий) – Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни (роббиал – аввал ойининг 12-куни), кейинроқ байрам сифатида нишонлана бошланган. Мавлуд куни дуолар ўқилиб, пайғамбар шаънига мадҳиялар айтилади, диний шеърлар ўқилади, диндорлар йигинлари уюштирилади, садақалар берилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ислом дини байрамларига маҳаллий халқларнинг одатлари ҳам қўшилиб, уларни бойитган. Масалан, арафа куни қўшниларга ош улашиш, “хайитлик” бериш, янги, тоза либослар кийиш, қўни-қўшнилар, қариндошлар, қариялар, касал, ночорлардан хабар олиш, ўша кунларда

дам олиш, сайил килиш каби одатлар ислом байрамларининг таркибий қисмларига айланиб кетган.

“Рамазон” диний анъаналар билан “муборак ой”, тоат-ибодат килиш оғи саналади. Бу анъаналарга мувофик, мусулмонлар рўза тутар, беш вақтлик муқаррар намоз устига, ҳар кеча таробех намози ўқишар, аксар масжидларда эса таробех намозидан ташқари, “Қуръон”ни бошидан охиригача ўқиб чиқиш билан тонг орттиришар, хонақохларда шайхлар ўз муридлари билан оғнинг охириги ўн кунда “дахнишинлик” ўтқазишарди ва ҳоказо” – деб таъкидлайди.С.Ағний.

Мазкур оғда кечалари маҳалла болалари уйма-уй юриб қуйидаги сўзлар билан бошланадиган рамазон ашуласини айтишган:

Рамазон ағтиб келдик эшигингизга,

Қўчқордек ўғил берсин бешигингизга.

Рўза оғида мусулмонлар одатдагидан қўпроқ хайр-эхсон қиладилар, болаларга хонадон соҳиби пул, ширинликлар улашади.

Хулоса қилиб айтганда, ислом динидаги байрамлар хурсандчилик, тинч-тотувлик, меҳр-оқибат қўрсатиш, шукрона қилиш кунларидир. Бу улуг кунларда қариндошлар, ёр-биродарлар бир-барларини зиёрат қилишиб, табриклашиб, хол-аҳвол сўраши хайрли ишлардан саналади.

Араблар истилоси даврида секин-аста пайдо бўла бошлаган масжидларнинг моҳияти бир хил бўлса-да, улар турли жойда турлича номланган: “Намозгоҳ” (намоз ўқиш жойи), “Мусаллаал-ийд” (байрам қуни намоз ўқиш жойи), “Ийдгоҳ” (байрам ўтқазиш жойи) ва ҳоказо. Масжидларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб, Ўрта асрларда араблар байрамларнинг диний мазмунига алоҳида эътибор бериб, байрамлар ўтқазиладиган жойларга махсус масжидлар қуришган. Кейинчалик бу масжидлар Ўрта Осиё шаҳарларининг муҳим таркибий қисми бўлиб

колган. Улар Курбон хайити, Рамазон (ийд-ал-фитр) байрамлари ва мусулмон удумлари ўтказиладиган марказ вазифасини бажарган. Байрамлардан асосий мақсад – халқни мусулмон дини асосида бирлаштириш бўлган. байрам ўтказиладиган жойларда мажлис, намоз ва курбонлик каби диний анжуманлар уюштирилган. Баъзан шохлар ва хукмдорлар ўз олижаноблигини кўрсатиш мақсадида бу жойларда халқ учун катта зиёфатлар ҳам беришган.

Ислонми тарғиб қилувчи дин арбоблари мажусийлик, зардуштийлик, буддавийлик билан боғлиқ байрамлар, томошалар, маросимларга қарши кураш олиб боришган. Илк ўрта асрларда вужудга келган янги сиёсий-диний муҳит қадимий маҳаллий байрамлар таракқиётига ўз таъсирини кўрсатган. Чунки қадимий байрамларда зардуштийлик ғоялари тарғиб қилиниб, уларда Ахурамазда, Митра, Анахита, Мирх каби тимсоллар улуғланган, муқаддас олов атрофида рақс тушилиб, томошалар кўрсатилган, зиёфатлар уюштирилган, май ичилган, кайфу сафо қилинган. Бу эса ислом динида рад этилган. Шу боисдан зардуштий динига эътиқод қилувчи кўплаб санъаткорлар бошқа жойларга жумладан, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларга келиб қолишган. Мовароуннаҳрда қолган зардуштийларнинг бир қисми тоғлар ёки саҳролардан паноҳ топишган.

Ислом арбоблари “Наврўз” байрамини тақиклашга кўп уринишган, лекин, маҳаллий аҳолининг табиат билан бевосита боғлиқ байрамларга эҳтиёжи кучли бўлганлиги боис Наврўз, Сада, Мехржон каби байрамлар сақланиб қолган. Бу байрам кишиларнинг озодликка интилишини кучайтириши, уларни бирлаштириши мумкин, деб хавотир олишган. Шунинг учун “Наврўз” истилочилар саройларида, амалдорлар ва дин раҳномалари давраларида расмий байрам сифатида нишонланмаган. Лекин бу тайзикқа қарамай “Наврўз” Халқ орасида байрам қилинаверган. Шу боисдан айрим шохлар ва амирлар кейинги асрларда ўзини халқпарвар

кўрсатиш мақсадида “Наврўз”ни байрам сифатида нишонлашга мажбур бўлишган.

Ўрта асрларда “Наврўз”нинг фалсафий-бадий мазсуни янада кенгайган. Бу байрам ҳақида ўша даврнинг деярли барча алломалари ўз асарларида ижобий мулоҳаза билдиришган. Ўрта асрларда “Наврўз”нинг халқ турмуши ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, фазилати ва ҳосияти ҳақида қомусий билим эгалари Абу Райхон Беруний, Фирдавсий, Маҳмуд Кошғарий, Умар Хайём, Алишер Навоий ўз асарларида ёзишган. Алломаларнинг билдирган фикрлари, Наврўзнинг пайдо бўлиши, унинг тарихи ва ривожланиш босқичлари ҳақида кейинги мавзуларда алоҳида маълумот берамиз.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БАЙРАМЛАРИ

Амир Темури ўз ҳукмронлиги даврида санъат, шу жумладан ўйин ва томошаларнинг тараккий этиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. “Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараккиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз”¹⁸ – деб таъкидлаган эди мухтарам Президентимиз Ислом Каримов.

Манбаларда Амир Темури ва Темурийлар давридаги давлат байрамлари муносабати билан уюштирилган сайиллар, намойиш ва томошалар ҳақида анчагина маълумотлар сакланиб қолган. Маъракаларда ҳар тоифа ижрочилар алоҳида-алоҳида, тарабхона ва хосхоналарда санъаткорларнинг аралаш гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этган бўлсалар, театрлашган сайиллар ва намойишларда минглаб ҳар хил ижрочилар катнашган ва ўзаро беллашган. Ҳунар ва санъатни бор бўйича, тўлиқ намойиш этишга хизмат қилувчи бундай театрлашган намойишлар, ўйинлар ва томошалар Амир Темури ҳукмронлиги даврида кенг миқёсда бошланиб, қарийиб бир ярим аср мобайнида давом этиб келган.

Амир Темури Мовароуннаҳрда яшаб келган анъанани давом эттириб, ўзининг ҳар бир ҳарбий ғалабиси, дипломатик муваффақиятини байрам, тўй билан нишонлаган, ҳар бир азиз меҳмонини зиёфат ва базм билан сийлаган. Оилавий маросимларни ҳам созанда, хонанда ва ўйинчиларнинг катта-катта гуруҳларини жалб этган ҳолда ўтказишни ёқтирган. Бу даврда халқ байрамлари ҳам кенг нишонланган.

Энг катта тўй ва байрамлар Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳиротда ўтказилган уларда ўн минглаб кишилар катнашган. Бундай байрамларга пухта тайёргарлик қўрилган – шаҳар ва унинг майдонларию кўчалари

¹⁸ ЮНЕСКО қароргоҳида “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” кўргазмасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқ, 1996 йил 24 апрел, Париж.

безатилган, муайян жойларда равоклар, кўшқлар, мезаналар қурилган, ранг-баранг чодирлар тикилган.

Минглаб санъаткорлар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, якка ижрочилар, ўйинчилар, чавандозлар, мерганлар, полвонлар жалб қилинган. Уларни тартиб билан амалга ошириш билан юзлаб халқ режиссёрлари – корфармонлар ва бакавуллар сидқидилдан ишлаганлар. Зеро, етти кун, бир ой, қирк кун, баъзан уч ойгача давом этган бундай улуг тўй ва байрамларни уюштириш, ўтказиш осон бўлмаган, албатта.

Манбаларга кўра, Амир Темури Темурийлар даврида маъракаларда ҳар бир гуруҳ ўзича мустақил ўйнаган бўлса, байрамларда барча гуруҳлар, ижрочилар биргаликда катнашган.

1391 йили Амир Темури олтин Ўрда яқинидаги Қундузча деган жойда Тўхтамишни енгганлигини бир ой оммавий байрам сифатида нишонлашга фармон беради. “Зиёфатларда ноз-неъматлар олтин идишларда, олтин жомларда шароб тортилди”, махсус мусикалар янграйди. Бу воқеа Самарқандда ҳам байрам қилинади¹⁹.

1403 йил. Амир Темурнинг Йилдирим Боязид устидан ғалаба қозониши муносабати билан Анкарадан олти манзил нари Сури деган жойда, сўнгра Кўтоҳия деган жойда байрам уюштирилади. Байраму базмларда “хушовоз чангчилар, пардасоз камонча чолувчилар, ой юзли соқийлар, шодлик таратувчи муганнийлар хизматда бўлишган. Базмлардан бирида асирга тушган Боязид ҳам катнашган. “Амир Соҳибқирон, -деб ёзади Низомиддин Шомий, - унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб, умиди чўнтагини омонлик нақдинаси билан тўлдирди. Унга май қосасини лиммо-лим тутдилар ва яна янги суюрғоллар билан фахрланиш бошини осмонга етказдилар”²⁰.

¹⁹ Хукхем Хильда. Власитель семи созвездий. Пер. С.англ. Г.Хидоятова.Т.Адолат, 1995. 136-137 б.

²⁰ Низомиддин Шомий. Зафарнома. 338-339 б.

Афсуски, манбаларда томошалар тафсилоти берилмаган. Хос базмларда маком куйлари чалинган, бу куйларга раккос ва раккосалар хиром этган, масхара ва мукаллидлар кулдирган, байрамларда катта майдонлар ва маъракаларга ярашикли томошалар кўрсатилган бўлиши керак.

Амир Темури ҳаётлигида расм бўлган байрам, сайил, намойиш ва томошалар унинг вафотидан кейин ҳам давом этган. Негаки, аскар Темурий шоҳлар Сахибқирон расм-русумлари ва одатларига содик колишган. Чунончи, Ҳиротда 1412 йилда Шоҳрух ва 1462 йилда Ҳусайн Бойқаро томонидан, 1462 йили Самарқандда абу Саъид Мирзо томонидан катта байрам ва томошалар уюштирилган. Умуман, истеъдодли, хунарманд кишиларни кадрлаш, ўзга юртлардан келадиган санъаткорларни яхши қабул қилиб, уларга шароит яратиб бериш, ижодий изланишлар, янгиликларга кенг йўл очиш бутун Темурийлар ҳукмронлиги давомида анъанага айланган.

Тахтга ўтирган аскар Темурий подшоҳлар ва темурийзодалар Сохибқирон Амир Темури тамойиллари ва одатларини ўзлаштириб, унинг йўлида рағбат кўрсатганлар, лекин маишатга, ўйин-кулгига оргик берилмаганлар. Шулардан бири Шоҳруҳдир. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳокони саъид Шоҳрух Мирзоқим, авлод ва аждод орасида Сохибқирон отасининг қойим макоми бўлди” деб ёзади²¹.

Аскар темурийларнинг Қуръон тиловат қилувчи ўз хофизлари, хадис айтувчи муҳаддислари, хикоя ва қисса сўзловчи қиссахонлари, ваъз айтувчи вонзлари, севимли ва ардокли созандалари, хонандалари, ракс ва кулги усталари бўлган.

XV асрнинг биринчи яримида Шоҳрух ва унинг ўғли Улуғбекнинг оқилона ҳукмронлиги туфайли шаҳар маданияти янада ривожланиб, шеърят, мусика, тасвирий санъат, хунармандчилик тараккий топди. Кулги

²¹ Алишер Навоий. 15 жилдлик. 12 жилд. Т., Фан. 1966. 169 б.

усталари – масхара ва мукаллидлар, раккослар, коворчокчилар, афсунгар ва кўзбоғловчи шўъбадарозлар, ромчилар ва бошкалар касабаларга уюшдилар.

Самарканддаги Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Майдон, шунингдек, Конигул ўланида Мавароуннахрнинг энг сара созандалари ва ўйинчилари иштирокида мутассил қабул маросимлари ва байрамлар ўтказиб турилган.

Мирзо Улуғбек анънавий Наврўз ва Меҳржон байрамлари яхши ўтишини таъминлаб, раҳбатлантириб турган. Шунинг учун ҳам ўша даврнинг таникли шоири Саккокий ўзининг Улуғбекка атаб ёзган касидаларидан бирида бутун бир бобни Наврўзга бағишлайди. Унда, жумладан, шундай мисралар бор:

Гулистон ахлини бу кун эрур ҳам ийди Наврўз,
Улар гул сочдилар, ман ҳам кетурдим хуш бу холвани.
Ёхуд гул васлаларидан тикиб бир хилъати зебо,
Бу мажлисга кетурмакка тиладим асли валони²².

Хондамирнинг маълумотига караганда, илм олиш ва санъат сохаларида аёлларнинг эркаклар билан тенглигини эълон қилган Мирзо Улуғбек фақат саройда эмас, бошқа жойларда ҳам хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан созанда, хонанда ва ўйинчиларнинг эркаклар билан ёнма-ён ўтириб, бирга ашула айтишларига, ўйин-кулги қилишларига йўл берган.

XV аср ўрталарида, Шоҳрух вафотидан кейин кучайган ўзаро низолар, тахт талашув оқибатида томоша санъати, айникса оммавий байрамларга путур етди. Султон Абу Саид ва унинг ўғиллари ҳукмронлиги даврида бир оз жонланиш рўй берди.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришича, Султон Абу Саъиднинг ўғиллари Султон Аҳмад ва Умаршайх майдон томошалари ва беллашувларни ёқтирган. Султон Абу Саъиднинг учинчи ўғли ҳам бўлган. “Бобурнома”да “Ҳаёси камрок эди. Бир неча масхара ва бебок теграсида

²² Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. 192 б.

бор эди. Девон бошида ва халойик қошида зишт ва шанъ харакатлар килурлар эди”, деб таъкидланган²³.

XV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошларида Мовароуннахр ва Хуросонда санъат, жумладан, сахнавий томоша турларининг ривожиди Темурийлардан, хусусан, Хусайн Байқаро билан Захириддин Муҳаммад Бобурнинг хиссаси катта бўлган.

Маълумки, Хусайн Байқаро Хуросонда 37 йил (1469-1506) хукмронлик килиб, хунар, адабиёт ва санъатнинг кенг ривожланиши учун шароит яратди, туркий (ўзбек) тилини давлат тили деб эълон қилди, шахсан ўзи дўсти Алишер Навоий каби туркий ғазаллар битиб, девон тузди. Манбаларда келтирилишича, Хусайн Байқаро даврида мингга яқин ижодкор фаолият кўрсатган, мақомхонлик, ракс, киссахонлик, воизлик, масхара, таклид, майдон томошалари яхши ривожланган.

Темурийлар даврида томоша санъатлари бутун бир тизим сифатида шаклланган. Унинг умумий таркиби театрлашган маросимлар, намойишлар, майдон томошалари, анъанавий театр, ракс санъати, халқ циркидан иборат бўлиб, уларнинг хар қайсиси яна, ўз навбатида, бир қатор тур ва туркумларга бўлинган.

Театрлашган маросимларга Наврўз ва Меҳржон билан боғлиқ хилма-хил кизикарли, уюшган оммавий сайиллар, урф-одатларни, суннат тўйи ва уйланиш маросимлари, кизил гул байрамини, зардуштийлик билан боғлиқ баъзи сайиллар, ўйин ва томошаларни шунингдек, келиб чиқиши ҳийла қадимий даврларга бориб тақалувчи зикри жаҳрия ва садр йиғинларини киритиш мумкин.

Бундай маросимларнинг аксарияти оммавий шаклларда бўлиб, юзлаб ижрочилар ва томошабинларни қамраган. Фақат зикр ва садрларгина сайланма кишилар қатнашадиган тор доирадаги йиғинлардир.

²³ З.М.Бобур. Асарлар. 3 жилдлик. Эжилд. Тошкент. 1968.43 б.

Театрлашган намоишларга, авваламбор, сувга бўлган эътиқоддан келиб чиққан “Сус хотин”, “Хўббим маросимларини”, дарвеш ва каландарларнинг махсус либосларда тўда-тўда бўлиб, байт ва кўшиқ айтиб юришларини, шунингдек, хунар ва санъатнинг биргаликдаги умумхалк намоишларини киритса бўлади. Амир Темур ва Темурийлар даврида зебзийнатларни, антика буюмларни, ажойиб хайвон ва паррандаларни махсус жойларда намоиш этиш одат тусига кирган.

Бундай кўрғазма ва маросимларни театрлашган дейишимизга сабаб шуки, уларда ҳам томоша объекти (баъзан ижрочи) ва томошабин бор, томошабин хушнуд бўлади, яйрайди, айрим ҳолларда мулоқатга киришади.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ўйин ва томоша силсиласида майдон томошалари алоҳида ажралиб турган. Зардуштийлик эътиқоди билан боғлиқ баъзи томошалар ҳам майдонларда кўрсатилган. Аммо аксар майдон томошалари туркий уруғ ва қабилаларнинг турмуш тарзи, эътиқоди, эстетик майллари билан Амир Темур ва Темурийзодаларнинг навқарлари ва зобитларининг жанговар ҳаёти, руҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

Шу боисдан майдон томошалари орасида от билан бажариладиган пойга, улок чопиш (кўпкари), отдан ахдариш, чавгон, кабок ўйин қабилар, ҳакконий куч синови ҳисобланмиш қураш (гуштигирлик), қилч, найза, гурзи ва бошқа жанговар қуроқлар билан ўтадиган беллашувлар, шунингдек, кўчқор, хўроз уриштириш қаби қадимий ўйин ва мусобақалар етакчилиқ қилган.

Томошабинлар ўта фаол бўлишган: ҳар гуруҳ, жамоа ёки уруғ майдонда куч ёки мохирлигини синаётган вақилини (ёхуд ўргатган оти, кўчқорини) қувватлаб, тарафини олиб, руҳлантириб турган; бутун ўйин-томоша жараёнини у билан бирга кечирган, ютуғидан қувонган. мағлубиятидан ачинган. Аммо иштирокчилар ҳам, томошабинлар ҳам

танти бўлишган, голибларни тан олиб, тетик рух, янги йиғинларга умид-ишонч билан таркалишган.

Шундай қилиб Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиё бадийи маданияти, шу жумладан томоша санъатлари гуллаб яшнади. Ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ ва дашт маданиятлари билан боғлиқ бўлган ўйин, томоша, байрам, театрлашган маросим ва намоёишларнинг бутун бир тизими вужудга келди. Шулар ҳаммаси касб-корн, насл-насаби, миллий-этник келиб чиқиши турлича бўлган кишиларни бирлаштиришга хизмат қилди.

“Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги элатлар, уруғлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ўтрок ва кўчманчиларни бирдам қилиш, марказлашган давлатни мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат, санъат, маросим, урф-одатни қўллаб-қувватлаган. Халқ руҳини кўтарувчи байрамлар, сайиллар, тўй ва тантаналарга ҳам етарли эътибор берган”²⁴.

Али Яздий “Зафарнома” асарида Амир Темур ҳаётидаги кўплаб тўйлар ҳақида маълумотлар беради. Бу тўйларни 3 га бўлиш мумкин:

1. Темур ҳаёти билан боғлиқ тўйлар.
2. Темур фарзандлари ва неваралари ҳаёти билан боғлиқ маросимлар.
3. Давлат ва дин ишлари билан боғлиқ байрамлар.

Амир Темур уч, беш ва етти йиллик сафарларидан кейин ўтказилган зафар тантаналари темурийлар даврида нишонланган энг катта шодиёналар ҳисобланади.

Темурийлар даврида ўлкамизда маданият раванк топиб, байрам-маросимлар кенг ривожланган. XVI-XIX асрларда эса тез-тез урушлар бўлиши, хонлик ва бекликларга бўлиниш юз бериши байрам, маросимлар ўтказилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

²⁴ Б.Шодиев. Наврўзи олам. 1998. № 6, 12-бет.

Ўлкада Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари юзага келиши натижасида, бу ҳудудларда ўтказиладиган байрамларда айрим ўзига хосликлар пайдо бўлган бўлса-да, байрамларга хос умумий жиҳатлар сакланиб қолаверган. Амир ва хонлар халқ ўртасида ўз обрўйини кўтариш мақсадида байрамларга алоҳида эътибор бериб, ўз манфаатига мос келувчи ғояларни байрам томошаларига сингдиришга ҳаракат қилишган.

ШЎРОЛАР ТУЗУМИ ДАВРИДАГИ БАЙРАМЛАР

Халкимиз азалдан байрамни севувчи, ўз урф-одатлари ва анъаналарига содик бўлиб келган. Бир канча қора даврларни бошидан кечиришига қарамасдан, миллийлик халкимиз дилида яшаб келаверган. Гарчанд уларни йўқотишга қанчалик уринмасин лекин уддасидан чиқаолмаган. Мана шундай даврлардан бири бу шўролар давридир. “Бундан буён сизларнинг эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва монесиз тарзда қуринг. Бунинг учун ҳуқуқларингиз бор” – бу сўзлар Шўролар ҳокимиятни эгаллаб олгач, аҳолини ўз томонига оғдириш мақсадида сиёсий, диний эътиқод эркинлиги ва миллий анъаналарни ривожлантириш ҳақидаги дастлабки ваъда эди. Улар хатто, миллий эътиқод ва анъаналарни ҳимоя қилиш қафолатини ҳам беришди: Бирок шўролар ўз мавқеини мустаҳкамлаб олганидан сўнг барча ваъдаларини унутди. Аксинча, берган ваъдаларига тесқари ишлар қила бошлади. Жумладан, барча миллий байрамларни тақиклади. Уларнинг биттасини ҳам давлат байрами тизимига киритмади. “Билинги, сизларнинг ҳуқуқларингизни, Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби, инқилоб ва унинг органлари, ишчи, солдат ва дехқон депутатлари советлари бор қучи билан муҳофаза қилади” – тарикасидаги гаплар унутилди. Халқнинг асрлар давомида мавжуд бўлган миллий анъанавий байрамлари ўрнига шўроча байрамларни жорий қилишга фаол киришди. Масалан, Октябрь куни (7-8 ноябрь), Чикаго фожияси муносабати билан пролетариат қурашини нишонловчи кун (1 май), хотин-қизларни сиёсий-ижтимоий фаолликка қорловчи кун (8 март) каби ўз манфаатига хизмат қилувчи тарихий воқеаларни байрам сифатида нишонлаш анъанасини жорий этди. Бу байрамларда улар ўзларининг коммунистик ғояларини тарғиб қилишни қучайтирдилар. Шўроларнинг сўзи билан иши бир-бирига

мувофик эмаслигини англаган халк уларнинг тадбирларига бефарк карай бошлаган. Шунда улар аҳолини тадбирларга жалб қилишнинг антика йўлларини қўллаган. Жумладан, одамларни клубга ошга таклиф қилишган. Улар ош еяётган вақтда халкка янги тузум афзалликларини намойиш этувчи коммунистик агитация характеридаги томоша кўрсатган. Бундай томошалардан мақсад одамларни шўроларга нишонтариш бўлган. Шўролар оммага таъсир қилиш мақсадида янада қизикарли, таъсирчан шаклларни излаб топишга интилган. Жумладан, оммавий инсценировка, митинг-концерт, агитсуд, жонли газета, театрлашган намойиш кабилардан кенг фойдаланилган.

Асримизнинг бошларида ўлкамизда байрам кунлари ташкил қилинадиган оммавий инсценировкаларнинг 2 хил усули қўлланилган. Биринчиси, Ефим Вольнийнинг агитспектаклларини очик майдонда ўтказишга асосланилган (“Икки дунё” асари). Иккинчиси, анъанавий халк театри санъати, кизикчиларнинг томошалари асосида ташкил қилинган. Пролетарлар инсценировкаларида умумий муаммолар мавзу қилиб олинган бўлса, миллий томоша-инсценировкаларда ўзбек ишчи ва дехконлари ҳаётига оид масалаларга эътибор қаратилган.

Ўша даврларда коммунистлар томонидан очик майдонда ўтказиладиган байрамлар кўпинча театрлаштирилган митинг-концертлар шаклида ҳам ташкил қилинган. Бу ташвиқот-тарғиботнинг энг оммавий тури ҳисобланиб, унинг бадиий-образли сюжети нотиклар нутқи ва унга илова шаклида қўшиқлар, шеърлар, драматик лавҳалар ва хоказолар билан янада кучайтирилган.

Диний байрамлар қунида динга қарши тарғибот сифатида очик майдонларда ўтказилган байрамларнинг яна бир йирик тури — театрлаштирилган карнавал намойишлари авж олди. Бундай янгича шакллар қизикарли, томошага бой ва таъсирчан бўлган, уларни деярли бутун шаҳар аҳолиси томоша қилган.

Эрта тонгда бошланиб, ярим тунда тугайдиган театрлаштирилган байрам – томошалар куйидаги композицион қисмлардан иборат бўлган:

- Мукаддима: шаҳарнинг ҳар бир туманида митинг ва митинг концертлар.
- Воқеалар ривож: шаҳарнинг марказига қараб йўл олган бир неча карнаваллаштирилган намойиш.
- воқеалар авжи: шаҳарнинг марказий майдонида ташкил этилган театрлаштирилган агитсуд.
- Хотима: шаҳар марказида халқ сайиллари, ўйинлари ҳамда майдонларда концертлар ва спектакллар намойиш қилинган²⁵.

Октябрь тўнтарувидан сўнг шўролар ўз мақсадларига хизмат қилувчи, йил мобайнида ўтказиладиган байрамлар тизимини яратишди. Улар: Янги йил байрами (1 январь), Хотин-қизлар байрами (8 март), Чикаго фожияси муносабати билан пролетариат курашини нишонловчи кун (1 май), иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни (9 май), октябрь тўнтаришига бағишланган Инкилоб куни (7-8 ноябрь). Бу ижтимоий-инкилобий байрамлар Совет Иттифоқининг барча жойларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам нишонланиши шарт бўлган.

1 май ва инкилоб куни шўроларнинг энг асосий байрами бўлган.

1917 йил Россияда Октябрь тўнтаруви амалга оширилганидан сўнг, 1 май байрами шўроларнинг асосий байрамларидан бирига айланди. У инкилобдан кейин шўролар давлатининг ички ва ташқи душманларига қарши курашиш, маданий инкилобни амалга ошириш, социализм барпо этиш шiorлари остида уюштирилди.

Шўролар мамлакатида бу байрам икки кун нишонланиб, у намойиш, сайил, тантана ва томошалар шаклида ўтказиларди. Корхоналар,

²⁵ У.Қорабоев. Ўзбек халқи байрамлари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.2002.

муассасалар, ўқув юртларида байрам арафасида тантанали мажлис ва тематик концерт бўларди.

“Капитализм зулми”; “9 январь” (“Қонли якшанба”); “Махфий кураш”, “Кўзголон”; “Февраль революцияси”; “Октябрь. 1917 йил” ва “Ғалаба” (Финал) бу композицион тузулиш шўроларнинг энг асосий байрами саналмиш 1917 йил Октябрдаги тўнтариш кунига бағишланган эди. Бу байрам нишонланган дастлабки йилларда оммавий инсценировкаларга катта аҳамият берилган. Мазкур инсценировкаларда тарихий воқеалар бадиий-оммавий шаклда театрлаштирилиб, бўрттириб намойиш этилган. Бу байрамни нишонлаш ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этувчи коммунистик тарбия воситасига айлантирилди. Жумладан, бу даврда 7 ноябрь кунини эрталаб Тошкентдаги энг катта майдонда ҳарбий парад ва меҳнатқашлар намойишлари бошланарди. Шаҳар марказидаги бу жой ўша пайтларда “Ленин майдони” деб аталарди. Мустақилликка эришилгандан кейин бу ер “мустақиллик майдони” деб юритила бошланди. Шўро тузуми даврида барча шаҳар ва йирик аҳоли пунктларининг марказий майдонларида ҳам 7 ноябрь кунини халқ намойишлари, сайиллари бўлиб ўтиши анъанага айланган эди. Бу намойишларда шўролар давлатининг ҳарбий куч-қудрати, ишлаб чиқариш соҳаларидаги ютуқларини намойиш қилишга аҳамият бериларди. Байрам 8 ноябрь кунини ҳам давом этиб, кўпгина маданият муассасаларида коммунистик мазмун ва шаклга эга бўлган “Ленин йўлидан”, “Инкилоб тантанаси”, “Октябрь куёши” номли тематик кечалар ўтказилиб, инкилоб ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, илғор коммунистларга фахрий ёрликлар топшириш тантаналари, партия ва комсомол сафига қабул қилиш маросимлари уюштирилди. Байрам арафасида ва нишонланаётган кунларда санъат муассасаларида байрам концертлари, инкилобий мавзуга оид спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этиларди. Бу

тадбирларнинг барчасидан мақсад аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш, халқ оммасини шўролар давлати ғоялари асосида бирлаштириш эди.

Шўроларнинг бу икки бош байрамнинг асосий шакли – намоиш эди. Давлат ва маҳаллий раҳбарлар Ленин ҳайкали пойдевори устидаги минбарда туришарди. Халқ эса майдон бўйлаб уларнинг олдидан намоиш қилиб ўтарди. Бу намоишларга ишчи-хизматчилар, талабалар мажбурий тарзда жалб этиларди. Намоиш иштирокчилари раҳбарлар турган минбар ёнидан ўтаётганида овоз кучайтирувчи техник воситаларидан: “Ура! Ура! Яшасин коммунистик партия! Бор бўлсин совет халқи! Партия ва халқ бирдир!...” каби шиорлар янграб турар эди.

Шу давр байрамларида янги пролетар маданият шакллари тарғиб қилинар эди. Шулардан бири миллий заминга эга бўлмаган карнавал эди. “80-йилларда шундай воқеа бўлиб ўтади, - деб ёзади профессор У.Қорабоев - Байрам куни Тошкентнинг ўша вақтдаги Комсомол кўли ракс майдонида духовой-эстрада ансамбли хорижий куй-қўшиқларни ижро этиб туради. Маҳаллий йигитлар улардан ўзбек куйини ижро этишни илтимос қилишади. Шунда оркестр аъзолари битта ҳам миллий куйни билмагани маълум бўлади. Ёшлар яна миллий куйни илтимос қилишганда, улар миллий куйлар оркестрда ижро қилишга арзимади, деб ҳақорат қилишади. Бу шўро даврида ўтказилган байрамларда маҳаллий миллий маданият топталганидан далолат беради. Бу ҳам ўз-ўзидан ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқишига асос солган. XX аср 80-йиллар ўрталарига келиб, коммунизм ғояси инкирозга учраб, шўроларнинг тарғибот-ташвиқот шакллари ҳам эскираётганлиги сезилди. Шунда улар ўтказиладиган байрам тадбирларига миллий байрамларга хос унсурлар: карнай-сурнай овозлари, масҳарабоз-кизикчиларнинг чиқишлари, миллий рақслар, халқ ўйинлари

кабиларни қўшишга ҳаракат қилишди. Лекин замин чирий бошлаган шўролар байрамлари миллий анъаналарга пойдевор бўла олмади²⁶.

Халкнинг миллий анъаналари шўроларнинг мақсадига хизмат қилмаганлиги учун, уларга қарши расмий ва норасмий кураш олиб боришар эди. Халқ урф-одатлари ва байрамларининг ижобий ёки салбий жиҳатлари уларни қизиқтирмасди. Шўролар ўз мамлакатига барча халқларни ягона совет халқига айлантириш мақсадида миллий кадриятларга қарши кураш олиб борди. Халқ анъаналарини тақиқлаш сиёсатини узлуксиз тарзда кучайтириб борди. Натижада, халқларнинг миллий анъаналари ўз томирларидан узилиб, тараккий эта олмади.

Коммунистик маданият тарафдорлари, яъни “эскилик саркити”га қарши курашувчи фаоллар халқни ўз миллий, анъанавий байрамларини нишонлашга йўл бермас эди. Миллий байрамларга, жумладан, “Наврўз”га “эскилик саркити” деб қаралиб, унга диний байрам тамғаси босилди. Шўро сиёсатдонлари Наврўзни ёқлаган кишиларни “халқ душмани” деб айблашди ва уларни қатагон қилишди. Аммо миллий ва диний байрамлар яширинча ўтказилаверди. Одамлар гўё дала сайлига чиқишгандек бўлиб, у ерда наврўзни нишонлашган. Бундан хабар топган шўро фаоллари уларни турли тарзда таъқиб этишган. Шўро даврида Наврўзни нишонлаётганларни қўлга олиш компаниялари уюштирилган. Наврўз байрами ташкилотчилари, иштирокчилар давлатга қарши фитна уюштириляётганликда айбланиб, ҳибсга олинган.

Шўролар даврида мамлакатда 60-йиллар бошларида миллий масалада бир оз “илиқлик” пайдо бўлиб, миллий байрам, маросимларни ўтказишда сал жонланиш рўй берди. Матбуотда халқ урф-одатлари, байрамлари ҳақида мақолалар ҳам пайдо бўлди. “Илғор фикрли зиёлилар маданият соҳаси айрим раҳбарлари ташаббуси билан жойларда Наврўз байрамини ўтказиши ҳаракати бошланди. Аммо Наврўз давлат байрами сифатида тан

²⁶ Ўша китоб

олинмади. Кўпгина зиёлилар, айрим рахбарлар Наврўзнинг чинакам дунёвий, чинакам халқчил байрам эканини сезсалар-да, ўтмишдаги катагонларни эслаб, бу анъанани қўллаб-қувватлашдан чўчидилар”.²⁷ 60-йиллар ўрталарида маълум халқ байрамларига бирмунча эътибор берила бошланган бўлса ҳам кишиларда шўро сиёсатидан кўркиш кайфияти кучли эди. Шунинг учун миллий анъанавий байрамлар, диний маросимлар имижимида, яширин тарзда ўтказилган. 70-йилларга келиб, шўролар халқ байрамларига қарши норасмий кураш бошлади. Маҳаллий ҳокимият вакилларига жойларда миллий байрамлар ўтказилишига йўл қўйилмасин, уларнинг ўрнига янги совет байрамлари ўтказилишини уюштириш зарурлиги ҳақида партия органлари томонидан очик ва ёпик буйруқлар бўлар эди. Чунки шўро сиёсатдонлари миллий уйғониш бошланишидан қаттиқ кўркишарди. 80-йиллар ўртасида шўролар давлати инкирози бошланганида улар охириги кучларини тўплаб, ўз мафқурасини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишди. Миллий байрамлар, жумладан Наврўз Ўзбекистонда халқ байрами сифатида кенг нишонланишида тўсиқлар пайдо бўлди. 1985-1987 йилларда оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета, журналлар)га Наврўз байрами ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаслик тўғрисида фармойишлар берилди. Наврўз ўтказиладиган сайилгоҳ майдонларга бориладиган йўллар совет милицияси ходимлари томонидан тўсилди. Дорбозларнинг дорлари йикитилди. Айрим коммунистик рахбарлар Наврўз байрамини нишонлаётганларнинг сумалак қайнатилаётган қозонларини ағдариб ташлашди. Бу кишиларнинг нафратини кўзгатди ва қаттиқ тортишувларни вужудга келтирди. Ёзувчилар, олимлар ва маданият ходимлари Наврўз қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканлиги, унинг мазмуни табиат қонунлари билан боғлиқлиги ва Наврўзни энг яхши анъаналар асосида тараккий эътириш лозимлиги ҳақида жиддий

²⁷ “Гулистон” журнали. 1998 йил. 6-сон, 13-бет.

мулоҳазалар айтилди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги айрим раҳбарлари халқ маросимлари, жумладан, “Наврўз”ни ҳам байрам сифатида нишонлашни расман тақиклаб қўйишди. 1986 йил Ўзбекистон телевидениеси дастуридан Наврўз байрамига бағишланган кўрсатувлар олиб ташланди. Унинг ўрнига “Ассалом, баҳор” номли концерт кўрсатилди. Наврўз байрами ўтказилишини бу каби тақик, таъкиб этишлар кишиларнинг ҳаққоний норозилигини уйғотди. Шунда шўро сиёсатдонлари “Наврўз” ўрнига “Навбахор” номли янги байрам ўтказилишини таклиф этишди. Бу янги байрам тадбирлари сифатида илгари Наврўз таркибида бўлган хашар, кўчатлар ўтказиш, хотирлаш маросими, қабристонларни обод қилиш ва бошқа эски маросимларга ҳам янгича тус беришга уринишлар бўлди. Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари Наврўз байрами ўтказилишини фақат икки йил – 1986 -1988 йиллардагина тўхтата олдилар, холос. Шунда ҳам улар Наврўзнинг республика миқёсида расмий тарзда нишонланиши, оммавий ахборот воситаларида бу байрам ҳақида маълумотлар беришни тўхтата олдилар. Бирок миллий онги уйғониб қолган зиёлилар, илғор ёзувчи, олимлар Наврўз байрами тақикланишига қарши чиқишди. Наврўзни саклаб қолиш – миллий-маданий анъаналарни саклаб қолиш ҳаркатига айланди. Илмий анжуманлар, ёзувчилар йиғинларида Наврўзни химоя қилувчилар сафи кенгайди. Маҳалларнинг илғор фикрли миллатпарвар раҳбарлари Наврўзни нишонлаш юқори идоралар томонидан тақикланишига тесқари тарзда бу байрамни жойларда ўтказаверишган. Турара-жой, кўча-кўйларни тозалаш, янги кийимлар кийиш, бир-бирини қутлаш, далаларга, қирларга чиқиб сайр қилиш, сумалак пишириш, зиёфат, ўйин-қулги уюштирилиб, Наврўзни нишонлаш тўхтамаган. Бундай ҳаркатлар натижасида миллий анъаналар ва байрамларни ҳаётга қайтариш жиддий даражага кўтарилган. Анъаналар учун кураш миллат равнақи учун курашга, миллат равнақи учун кураш эса мустақилликка эришиш йўлидаги курашга айланди.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ БАЙРАМЛАРИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, барча соҳаларда янги жараён, янгича фикрлаш даври бошланди. Эришган дастлабки даврларида халқ байрамларини тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунга кенг жамоатчилик эътибори жалб этилди. Натижада, “Халқ байрамларини тиклаш муаммолари” бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ фаол зиёлилардан таркиб топган эди. Мазкур гуруҳ хар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган муддатда “Инсонийликни ва табиатни эъозлаш ойлиги” сифатида белгиланиб, бу вақтда “Наврўз”, “Хотира куни”, “Биринчи пушта”, “Биринчи экин”, “Дон, майса ва сув экини”, болалар учун “Бойчечак” байрамларини ўтказишни тавсия қилди. Бу эса хайрли ишларга дебоча бўлди.

Мустақилликнинг илк кунлариданок, халқ байрамлари кунинда “Катта томошалар” кўрсатилиб, масхарабозлар, кизикчилар, кўғирчокбозлар, дорбозлар, полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намойиш этила бошлади. Бу пайтда халқ байрамларида аскиябозликлар, мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди. Байрамлар халқимизга хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намойиш этадиган муҳим тарбия воситаси эканлиги, шўролар даврида халқ маросимлари, анъаналари ҳам йўқола борганлиги ва бу инсонпарварлик анъаналарини тиклаш зарурлиги ўша даврда оммавий ахборот воситаларида жиддий таъкидлана бошланди.

И.А.Каримов Республика раҳбари бўлганидан кейингина 1989 йил 28 февралда унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йилда эса 21 март ва умумхалқ “Наврўз” байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Ушбу воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният, кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

Республикамиз раҳбари И.А.Каримов 1990 йил бошида халк вакиллари, депутатлар, зиёлилар билан бўлган кенгашда шундай деган эди: *“Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто, ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар “Наврўз” байрамига, миллий-кийим-кечакка қарини чиқди. Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиши маросимида қатнашишига ҳам эскилик сарқити деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйиқ ўтказилди. Диндорлар билан мулоқатда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг. Хуллас, бўлганичи бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралашимизни, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараши кераклигини яна бир бор уқдириб ўтмоқчиман”²⁸.*

Истиклолни шарафлайдиган байрамлар: Мустақиллик куни, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Хотира ва кадрлаш куни кабилар жорий этилди. Давлат тили ҳақидаги конун қабул қилинган кун (21 октябрь) Тил байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Умуминсоний кадриятларни тарғиб қилувчи “Янги йил байрами”, “Хотин-кизлар байрами” кабилар истиклолга эришилгандан кейин ҳам расмий сифатида нишонланаверди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эhtiёжи, орзу-истакларидан келиб чикиб, азалий байрамларни тиклашга катта эътибор бера бошлади.

²⁸ “Тошкент ҳақиқати” газетаси. 1990 йил, 27 – февраль.

Президент И.А.Каримов фармонлари асосида халкимизнинг тарихий мероси бўлган Наврўз билан бир қаторда, диний байрамлар – Рўза хайити ва Қурбон хайити ҳам расман тикланди.

Ўзбекларнинг азал-азалдан тўйлари кўп бўлган. тўйлар – орзумидлар ушалиши айёми сифатида ҳозир ҳам давом этмоқда. XXI асрнинг сўнгги 10 йиллиги бошида ўзбек тўйлари қаторига яна бир шодиёна – республикаимизнинг мустақиллик байрами куни қўшилди. 1991 йилдан бошлаб 1 сентябрь куни энг азиз, энг улуғ миллий байрам куни бўлиб қолади. 1 сентябрь мустақиллик куни сифатида мамлакатимиз миқёсида ҳар йили катта шодиёна билан нишонланмоқда.

Мустақиллик ўзбек халқига ўз кадр-қимматини, бўй-бастини, маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга тўла-тўқис асос яратди. Мустақиллик байрами ўзбек халқининг энг муҳим анъанасига айланмоқда.

Дунёнинг барча халқлари мустақиллик кунини ўзларининг энг асосий байрами деб ҳисоблашади. Масалан, АҚШ, Финландия, Греция, Бангладеш, Сенегал, Исроил, Хорватия, Филиппин, Вьетнам, Кипр каби жуда кўплаб мамлакатларда мустақиллик куни давлатнинг энг асосий байрами саналади.

Мустақиллик даврида диний байрамлар

Дунёдаги барча динлар ўзига хос байрамларга эга. Ҳар бир диннинг кенг тармоқ отиб, ривожланиб боришида байрамларнинг аҳамияти бекиёс.

“Ҳайит” – арабча “ийд”, яъни байрам демакдир. Ислом динининг икки асосий хайити “Ийд ал-қабир” (катта ийд, яъни Қурбон хайити) ва “Ийд ал-фитр” (Рўза хайити) мусулмон дунёсида кўп асрлардан буён нишонланиб келинмоқда. Иккала хайит ҳам Муҳаммад алайҳис-саломнинг Маккаи муқаррамдан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келган даврида,

яъни хижрий сананинг биринчи йилларидаёк жорий килинган. Имом Насафий хадисида айтиладики “Расулulloх Мадинага хижрат килиб келганларида мадиналиклар қадимдан бир йилда икки кунни байрам қилар эдилар. Ул зот Оллохнинг амри билан шу икки кунни улардан яхшироғига, яъни Рамазон ва қурбон ҳайитларига алмаштирадилар”²⁹. Ислому байрамларининг вужудга келишига мадиналикларнинг қадимий байрамлари асос бўлган.

Мусулмонлар ҳайит намозига тоза, чиройли кийимлар кийиб, хушбўй атир-упаларни сепиб яхши кайфият ва эзгу ниятлар билан чиқишади. Аввал, “Бомдод намози” ўқилади. Сўнг имом хатиблар кишиларни эзгуликка даъват этувчи таъсирли ва мазмунли маъруза қилишади. Ундан кейин эса асосий “ҳайит намози” ўқилади.

Намоз ўқиш маросими тугагандан кейин ҳамма бир-бири билан кўришиб, хол-аҳвол сўрашиб, бир-бирларини ҳайит билан қутлайдилар. Ҳайит намозидан чиққанлар яхши кайфиятда уйга боришади, оила аъзоларига, фарзандларига “ҳайитликлар” совға қилишади. Бу улуг айёмда устозлар зиёрат қилинади, марҳумлар эсланиб, дуои фотиҳа қилинади. қариндошлардан хол-аҳвол сўралади, кексалар ва беморлардан хабар олинади.

Ҳайит кунлари одамлар орасида гиналар унутилади. Ҳайит арафасида барча хонадонларда ош ёки бошка байрамона таомлар пиширилиб, кўшнларга, яқинларга улашилади, дастурхонлар безатилади, меҳмонлар қутилади. Ҳайит кунлари камбағал, бева*бечора, етим-есирларга, гадоларга ҳайитлик, хайрия ва садақалар бериш савоб ҳисобланади.

“Келин кўриш” ёки “Келин салом” маросимлари ҳам айнан Ҳайит кунларида ўтказилади. Ниҳоятдан кейин ҳам ҳайит байрами бўлмаган ёш келинчақлар ҳайит кунлари дастурхон безатиб, меҳмон қутишади. Бу маросим қуйидагича ўтказилади. Ёлғон арафа ёки чин арафа қуни

²⁹ А.Мансуров. Ҳайит қачон бошланган? “Фан ва турмуш”, 1990, 4-сон, 28-29-бетлар.

келиннинг ота-онаси қизи келин бўлиб тушган хонадонга йўқлов юборишади. Бу билан улар кудаларини, куёв ва кизларини муборак айём билан қутлашади.

Ўз навбатида куёв хонадонидагилар ҳам ўзлари пиширган ширинликлардан бериб юборишади. Чин арафа куни кечқурун келиннинг уйига яқин қариндош аёллар ва кизлар йигилишади. Тошкентда хайит кунларида янги келинчак тушган хонадонларда дастурхон юксак маҳорат даражасида безатилади. Хайит куни эрта тонг турган келинчак ювиниб-тараниб, энг чиройли либосини кияди, бошига нафис, харир мато ёпиб, хонадон аъзоларига бирма-бир таъзим билан салом беради ва дастурхонга таклиф этади. Мазкур хайит байрамларининг шунга ўхшаш ижобий жиҳатлари кўп. Энг муҳими, улар одамларнинг руҳини кўтаришга таъсир кўрсатиб келган.

1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг “Рўза хайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармонда жумладан, шундай дейилади: “Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-окибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам Рўза хайитинининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин”. 1992 йилдан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда “Рўза хайити” умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. “Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари” тўғрисидаги (1992 йил 3 июль) Ўзбекистон Қонуни асосида “Рўза хайити” билан бирга “Қурбон хайити”нинг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди.

Рўза хайити

Рамазон – ҳижрий йил ҳисобининг 9-ойи бўлиб, ислом ақидалари бўйича бу ойда Оллоҳ Муҳаммад алайҳис-саломга Қуръонни вахий қилган экан. Шунинг учун ҳам ислом дунёсида рамазон муқаддас ҳисобланиб, бу ойда мусулмонлар рўза тутишади. Рамазон якунида эса исломнинг катта

байрамларидан бири – Рўза хайити бошланади. Бу хайит рамазон ойи сўнгида рўза тутиш тамом бўлганидан сўнг 10-шаввал ойининг дастлабки 3-куни ичида нишонланади.

Қуръон ва ҳадисларда рўза тутиб, такводор бўлишга алоҳида эътибор берилади. Такво – кундуз кунлари ейиш ва ичишдан ўзини тийиш билан бирга, барча ёмон иллатлар (масалан, ёлғон сўзлаш, бировнинг кўнглини оғритиш, пора бериш ва пора олиш, ноҳақ зуғум қилиш, шахвоний ишларга берилиши кабилар)дан ҳам сакланишдир. Имом Бухорий ҳадисида ёзилган ривоятлар бўйича муҳаммад алайҳис-салом шундай деган эканлар: “Албатта, рўза бир сакловчи нарсадир. Сизлардан кимки рўзадор бўлса, фаҳш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агар бир киши у билан уришса ёки сўкишса “мен рўзадорман, мен рўзадорман”, - деб айтсун”.

Дин тарихига оид манбаларда қайд қилинишича, мусулмонлар биринчи марта Муҳаммад пайғамбар бошчилигида рўза тутишган экан. Шунинг таъкидлаш керакки, Муҳаммад пайғамбардан олдинги пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳам рўза тутишган. Айтишларича, Довуд пайғамбар йилнинг олти ойи мобайнида рўза тутган. Муҳаммад пайғамбар ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишликни одат қилган. Бундан ташқари, у ҳар ойнинг боши, ўртаси ва охирида рўза тутган дейишади.

Рамазон кунлари ифторликдан кейин эркаклар масжидларга бориб жамоа билан тарових намозини ўқишади. Тарових намозидан олдин масжид имоми йиғилганларга панд-насихат қилади. Тўпланганлар билан имом ўртасида ислом дини ҳақида савол-жавоб бўлиб ўтади. Аёллар эса ўз уйларида танҳо ёки бирор хонадонда биргалишиб тарових намозини ўқишади. Бу ўзига хос диний маросим ҳисобланади. Аёллар Қуръони Каримдан, Ҳадиси Шарифдан сура ва оятлар ўқишади, кейин биргаликда тарових намози ўқишлик суннатдир.

Рўза тугагач, арабча “Ийд ал-Фитр” – “огиз очиш байрами” номи билан биринчи хайит ўтказилган. Шундан бошлаб, бу кунни байрам қилиш барча мусулмон халқлари орасида анъанага айланган.

Рамазон ойида 30 кун мобайнида ифторликдан (огиз очилгандан) кейин болалар тўда-тўда бўлиб рамазон айтишади. Рамазон айтиш жуда қадим замонлардан бор бўлиб, ўзига хос маросим тарзига кўтарилган. Огиз очилгандан сўнг болалар тўпланишиб, ораларидан бир болани сардор қилиб сайлашади ва маҳалладаги барча хонадонлар эшиги ёнига келиб, рамазон айтишади. Рамазончилар ўз кўшиқларида рамазон айтилаётган хонадонга бахт-саодат, фарзанд, бойлик, тинчлик тилайдилар.

Рамазон айтиб келдим эшигингизга
Кўчкордеек ўғил берсин бешигингизга
Эшигингиз устида ой кўрдим
Ҳаммадан сизни бой кўрдим
Рамазон айтган билан тўяманми-я
Бурунгининг одатини кўяманми-я

Хонадон соҳиблари қутлуғ рамазон кунларида эшиқлари ёнида туриб эзгу тилаклар билдираётган болажаонларни ҳеч қачон қурук қайтаришмайди. Ўз имкониятларидан келиб чиқиб қанд-курс, турли ширинликлар билан сийлашади. Бу ширинликларни болаларнинг сардори бир халтачага йиғиб боради.

Маҳалладаги барча уйларга рамазон айтиб бўлишгач болалар бирор жойда тўпланишиб, ширинликларни тенг бўлиб олишади.

Рамазон хайитида ҳамма учун байрам қувончини улашиш мақсадида ўзига тўқ оилалар камбағалларга, бева-бечораларга фитр-садақа беришлари керак.

Фитр-садакани беришдан мақсад аввал камабағалларга ёрдам, сўнгра ўз бошидан садака, ундан кейин рўза кунлари билиб-билмай қилган гуноҳлари учун қафолатдир. Фитр садакасининг миқдори киши бошига 2,5 кг ғалла ёки шу миқдордаги қийматга эга бўлган пул билан белгиланади. Фитр-садакаси уни беришга қодир бўлган барча мусулмонлар оила аъзолари томонидан берилади.

Ифторлик маросимини ўтказмоқчи бўлган хонадон соҳиби рамазон ойида бирор кунни белгилайди ва ўзи истаган кишиларни таклиф этади. Қурби етган жонлик сўяди, етмагани йўқ.

Мезбон дастурхон ёзиб, куни билан рўзадор юрган одамлар қорнини тўйдиреди. Ифторликка бирор домла ёки имом таклиф этилиб, рўза, рамазон кунлари ҳақида суҳбатлар бўлади. Аёллар иштирокидаги ифторликка отин таклиф этилади. Ифторлик ўтказишнинг туб моҳияти камбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирлар қорнини тўйдирешдан иборат.

Ҳайитлик бериш хурсандчилик, меҳр-окибат, иззат-ҳурмат белгисидир. Кишилар ҳайитда ота-оналарига, оила аъзоларига, фарзандларига қийим-кечаклар инъом этишади.

Қурбон ҳайити

“Қурбонлик” – “яқинлик”, “Худога яқинлашиш” деган маънони билдиради. Шунингдек, қурбонлик Худонинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш, унга миннаддорчилик билдиришни ифодаловчи маросимдир.

Муқаддас диний китобларда, хусусан, “Инжил” ва “Қуръон”да Қурбонлик маросими ўз ифодасини топган. Қурбон ҳайити муносабати билан 1990 йил Ўзбекистон Президенти Фармони асосида илк бор мамлакатимиздан 500 кишининг Саудия Арабистонидаги Макка ва Мадинага бориб, ҳаж қилиш шарафига муяссар бўлиши улкан воқеа бўлди. Жидда, Макка ва айникса, Мадинадаги муқаддас жойларни, яъни қабрларни, масжиди Кубо ва масжиди Қибла тайинни ҳамда Ухуд тоғи ёнбағрида бўлган тарихий жанг жойини зиёрат қилиш ҳамюртларимиз

калбида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, ватандошларимиз муқаддас жойларда ҳаж урф-одат ва маросимларини бажариб, қурбонликлар қилишди. Ислом одатига кўра, ҳажга борган, яъни муқаддас Каъбани зиёрат қилган кишилар Ватанига хожи фахрий унвонига эга бўлиб қайтишади.

НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Халкимизнинг азалий одат, маросим ва байрамлари коинот, табиат, фасллар ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган. Тўрт улуғ кунни белгилашда, улар билан боғлиқ борлиқдаги муҳим тўрт нарса (куёш, ҳаво, ер, сув)ни асос қилиб олишган. Масалан, Наврўз, Ангом, Меҳржон, Сада байрамлари. Ушбу байрамларни қуйидагича нишонлашган:

табиат уйғониши, кун-тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши палласида Наврўз;

ёзда куёш тик бўлиб, тун қисқа, кун узун давом этганида, ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган тадбир – Ангом (Вахшангом);

кузда кун-тун тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, дехконлар даладаги ҳосилни йиғиб олган вақтда Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда);

кишда энг узок тун ва қисқа кун содир бўлиб, совук авжига чиққанида (“қишки чилла”), исинишга эҳтиёж кучайган пайтда Сада – Олов байрами (гулханларда исиниш) қабиларни уюштиришган. Милоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси қишлоқларнинг табиий эҳтиёжлари асосида қарор топган.

Н.П.Лобачеванинг фикрича, қадимдан Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёз фаслига, куёшнинг тик туриш кунига (ҳозирги 21-22 июнга) кўчирилган. Бироқ ой таквимига ўтилгандан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кун баравар бўлган кунга кўчирилган. Бу ҳақда Беруний шундай ёзади: “Наврўз... ўтмиш замонларда... куёшнинг саратон буржиги кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган

бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат киладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг яралиши ва бошланишига далил қилинган³⁰.

Наврўзнинг пайдо бўлиши хақида кўплаб афсоналар, мифлар мавжуд. Профессор У.Корабоев ўзининг “Ўзбек халқи байрамлари” китобида, Наврўз байрамининг пайдо бўлишига боғлиқ кўплаб маълумотлар келтириб ўтган. Қуйида мазкур маълумотлардан келтирамиз. Масалан, Зардуштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор, ёзда ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) – кузда ва кишда ҳукмронлик килади, деган караш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан галаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана “Наврўз” кунига айнан тўғри келган.

Яна бир қадимий афсонага кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун “Наврўз” байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида эса янги йил, яъни Наврўзнинг пайдо бўлиши шох Жамшид³¹ номи билан боғланди. Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, ҳаммом, уй саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшид ишлари гурқираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилади. Бу “Шоҳнома”да қуйидагича таърифланади:

Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш.

Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.

Барча жам, одамлар қарар тахтига,

³⁰ А.Р. Беруний. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик». Танланган асарлар, I том, Т.Фан 1960.

³¹ Пахлавий ва дарий тилида “нур”ни “шед” дердилар. Шунинг учун бу сўз бошига “Жам” сўзини қўшиб, “Жамшид” деб атай бошладилар.

Жахон койил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам колди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.

Алишер Навоий ҳам “Тарихи мулки аҷам” номли асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ Наврўзни ихтиро қилганлиги баён қилинади. Навоий ёзишича: “Жамшид “Чихил минор” номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилаолмайдиган баланд бино қуриб...” “бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва ахборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтиким, куёш нуқта эътиқодли рабиййга тахвил қилиб эрди ул бинода тахт устига ултириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул кунининг отин Наврўз кўйди”.

Беруний асарида келтирилган афсона бўйича ҳам Наврўзнинг келиб чиқиши Жамшид шоҳга боғланади: “Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша кунни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбован (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни хайит қилдилар ва Жамшиднинг (аравада учишига) таклид қилиб, аргимчокларда учдилар”.

“Наврўз”нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналарни турлича талқин қилиш мумкин. Бирок “Наврўз”нинг қачон ва қандай вужудга келганлигини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлсада, ишонч билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки “Наврўз” коинот ва табиат қонуниятлари, яъни куёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жихатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда илмий асосланиб белгиланган. Бу

эса хар кандай жамиятда “йил боши” (качон келишидан катъи назар) “Наврӯз”ни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Аслида “Наврӯз” ибтидоий жамоа даврида одамлар дехкончиликка ўрганганидан сўнг улар далаларда янги иш мавсуми бошлашдан олдин ўтказадиган бахор байрами сифатида шаклланган.

Замонлар ўтиши билан бу байрам такомиллашиб, унга мос кун аниқланган. У “йил боши” сифатида белгиланиб, унга “Наврӯз” (яъни “Янги кун”) деган ном берилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бошка олимлар ҳисобига кўра эса, бу байрам 4 минг йил аввал жорий этилган.

Милоддан олдин қўлланила бошлаган зардўштилик таквими бўйича ҳозирги февраль ойининг биринчи кунда “Кичик Наврӯз” (ёки “Оммавий Наврӯз”) бошланиб, олтинчи кунда “Катта Наврӯз” (ёки “Махсус Наврӯз”) уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврида эса бу икки “Наврӯз” бирлаштирилиб, кичик ва катта “Наврӯз” ўртасидаги барча кунлар байрам, деб эълон қилинган.

Муайян даврларда “Наврӯз” байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Бу ҳақда Беруний куйидагиларни баён этади: “Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин мошнинг барча (кунлар)ни хайитга айлантриб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун; иккинчиси – улуғ кишилар учун; учинчиси – подшоларнинг куллари учун; тўртинчиси – хизматкорлар учун; бешинчиси – халқ оммаси учун; олтинчиси – чўпонлар учун”.

Подшоҳлар ўзлари учун белгиланган беш кунни куйидаги тартибда, яъни биринчи кун “подшоҳ наврӯз кунни хайитини бошлаб, одамларга ўзини халқни қабул қилиши”ни билдиради. Иккинчи кунни мартабаси жуда юкори кишилар..., дехконлар ва (машхур) хонадон ахлларини, учинчи кунни отлик сипоҳлар ва улуғ донишмандларни, тўртинчи кунни ўз уйдагиларини, яқин ва хос кишиларни, бешинчи кунни

эса ўз ўғиллари хамда карамоғидаги кишиларни қабул қилиш учун ўтиради. Олтинчи куни эса, ўзи учун Наврўз қилади”.

Подшо бундай катта қабуллардан жуда катта фойда орттирган. Чунки у келувчиларнинг мартабаларига қараб, уларнинг ҳадяларини ҳузурига келтиришга буюрган ва ҳадяларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб берган, хоҳлаганларини ҳазинасига қўйган.

Исломгача бўлган “Наврўз” байрамининг оддий халққа тегишли одатлари ҳам диққатга сазовордир. Ўша замонларда “Наврўз” куни одамларнинг бир-бирларига шақар ва ширинликлар ҳадя қилиши (хаётингиз ширин бўлсин деган маънода), гуллар тақдим қилиши (гўзал бўлинг маъносига), бир-бирларига сув сепиши (бу йил сув кўпайсин, ҳосил мўл бўлсин маъносига) каби одатлар кенг тарқалган. Наврўз куни ширинликлар ейиш энг муҳим удумлардан бири бўлган. Наврўз куни тонг отганда ҳар бир киши гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум еса кўп касалликлардан фориғ бўлар экан.

“Наврўз”га тайёргарлик қўриш одатларидан яна бири буғдой ёки арпа донини ёғоч идишда ўстириб, уни баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг ўртасига қўйиш одат бўлган. Байрам арафасида қадим аждодларимиз етти хил дон буғдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловиядан гўжа тайёрлашиб, уни кўни-кўшниларга, қариндошларга тарқатишган. Бундан ташқари, эронийларда “С” ҳарфи билан бошланадиган етти хил кўк ўсимлик себ-олма, сабзи, сир-саримсоқпиёз, сирка, сатар-тошгул, сиёҳдон-қора данак, синжид-ёввойи зайтун қабилар уруғидан ўстирилган кўкатлар билан дастурхон безатиш Наврўз байрамига хос одат тусига кирган. Шунингдек, улар дастурхонларига турли қуритилган шарбат, бўялган тухум ва бошқа нозу-неъматлар қўйишган. Арвоҳлар руҳини шод этиш мақсадида шамлар ёқишган. Наврўз байрами дастурхонида албатта катта идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйишган. Бу одат янги йил сувга ва экинга мўл

бўлсин деган маънони билдирган. Умуман, “Наврўз”га хос барча одатлар замирида халқ-этикоди баланд бўлган.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА МАРКАЗИЙ МАЙДОНДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ РЕЖИССУРАСИ ХУСУСИДА

Наврўз, мустақиллик даврида анъанавий асосларни тиклаш ва ривожлантириш йўлидан бориб, ўзига хос маданий-бадий ҳодиса сифатида шаклланди. Миллионлаб кишиларда бир хилда байрамона кайфият, кўтаринки рух уйғотиб, уларни бирлаштиришга хизмат килди.

Наврўз томошалари-бу шунчаки турли санъатлар, ҳаётдан олинган ҳодисаларнинг ёнма-ён, бирин-кетин берилиши эмас, балки уларни катта майдонларга мослаштириб бадий кайта ишлаш, бир-бирига сингдириб мутаносиблик ва уйғунлик ҳосил қилишдир. Бинобарин, Наврўз томошалари санъат асарлари, ҳаётдан олинган урф-одатлар, меҳнат лавҳалари, спорт машқлари, ҳарбий намойишлар, нотиклик, шеърхонликдан яхлит бир янги бадий манзара ясовчи ўзига хос санъатдир.

Айнан шу мустақиллик даврида Наврўз санъатининг ўзига хос мустақил тури даражасига кўтарилди, ўз драматургияси, ўз режиссурасига, ўз табиатига эга бўлди, дейишимизга асос беради.

Ўтмишда ҳам Наврўз томошалари, сайиллари, ўйинлари ва мусобақаларини ўтказишда ўзига хос драматургия бўлган, албатта. Бутун аҳоли, жамият бу тартибни яхши билган, анъана сифатида халқ хотирасида муҳрланиб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Айниқса, сайилбошилар, санъаткорлар касабаларининг, ижодий гуруҳларининг раҳбарлари Наврўз байрамининг умумий тартибини, қаерда нима бўлишини, қандай ўтишини яхши билишган. Лекин шунга қарамасдан, байрам арафасида яна бир қарра тартибни эслаб, қаерда, қачон, нима ўтишини, кимлар, қандай ижодий гуруҳлар қатнашишини, томошабинлар қандай жойлашишини хомчўт қилганлар.

Халкнинг уйғониб келаётган миллий гурури Наврўз байрамига жиддийроқ ёндашишни, ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни, уни махсус тайёргарлик кўриб нишонлашни такозо этди. Бир катор мақолалар ва рисоалар яратилди. Яхши ният билан навбатдаги Наврўз айёми учун оммавий тадбирлар ва томошаларнинг сценарий мавзулари, гоёлари ва ёзмалари вужудга кела бошлади. Туманларда шу сценарийлар негизида байрам томошаларини тайёрлаш ҳаракати бошлаб юборилди.

Тошкентда ҳам халқ урф-одатларини илмий тадқиқ этган олимлар, уларни яхши билган ижодкорлар Наврўз томошалари сценарийларини ёзишга жалб этилдилар. У. Қорабоев, Б.Аминов, Б.Ҳамидов, Ғ.Ғофуров, М.Ботиров, Б.Норбоев ҳар бири ўз сценарийси билан чиқди. Аммо 1990 йил ҳам Наврўз бош майдонда ўтмади. Минг-минглаб кишиларнинг бу сиёсий майдонда тўпланишидан, Наврўз юзага келтириши мумкин бўлган бирлигидан, намоишидан чок-чокидан сўкилиб бораётган иттифок корчалонлари чўчир эди. Наврўзни Халқлар дўстлиги майдонида халқ сайли тарзида ўтказишга рухсат берилди. Майдоннинг икки ёнида турли миллат маданияти марказларининг ранг-баранг чодирлари тикилди, уларнинг турмуш тарзи, меҳнатидан ҳикоя қилувчи кўرғазмалар уюштирилди. Ҳар бир чодир олдида муваккат сахна тайёрланиб, ўша халқнинг миллий куй ва кўшиклари, рақслари ижро этилди. Халқлар дўстлиги саройи олдидаги асосий сахнада эса республиканинг етакчи санъаткорлари ва ижодий жамоалари ўз санъатларини намоиш этдилар. Бошқача айтганда, Наврўз байрамининг умумий режаси бўлган, албатта, лекин Халқлар дўстлиги майдонида у узвий, пухта ўйланган томоша сифатида ўтмаган. Сценарийда кўрсатилган биргина “Наврўз қарвони” уюштирилган, холос. Унга режиссёр Бахтиёр Ҳамидов умумхалқ байрами Ўзбекистонда яшайдиган барча халқники, деган гоёвий мазмунни сингдиришга ҳаракат қилган.

Байрам нуруний қарияларнинг ок фотихаси билан бошланади. Сўнг қарвон кўринади. Қарвонда юздан зиёд созандаю хонандалар, масхарабозлар, кизикчилар, кўғирчокбозлар, раққослар, чавандозлар, туя етаклаган сарбонлар, тош кўтарган пахлавонлар, муаллақчилар, илон ўйнатувчи ромчилар байрамонга либосларда ҳар қайсиси ўз санъатини намойиш қилиб ўтади. Уларнинг баъзилари махсус безатилган араваларда намоён бўладилар. Аравалар сахналарга айланиб, ҳаракат пайтида ҳам томоша кўрсатиб борилади.

Қарвон аслида ўз ҳаракатини эски шаҳардан, Чорсудан бошлаб, Ҳадра орқали Халқлар Дўстлиги майдони томон юрган. Бекатларда, гавжум жойларда бирмунча тўхтаб, аҳолини Наврўзи олам билан табриқлаб, бир-икки санъат намунасини кўрсатиб борган. Ажиб бир манзара юзага келган. Халқлар дўстлиги майдонидан бирин-кетин ўтиб бўлгач, қарвон гуруҳларга бўлиниб кетиб, майдоннинг турли жойларида томошалар кўрсатган. Уларда меҳнат, баҳор, халқлар дўстлиги мавзулари етакчилик қилган. Ижодий гуруҳлар ўринларини алмаштириб, кечгача аҳоли хизматида бўлишган. Умуман, Халқлар дўстлиги майдонида халқ ижодиёти ва маросимлари тараннум этилди. Бу ишда фольклор-этнографик ансамблларнинг хизмати катта бўлди.

Ҳозир Сайилгоҳ номини олган ёпик кўчада, Шайхонтоҳурдаги Шоирлар хиёбонида Наврўзнинг байналмилал моҳиятини сақлаган сайиллар, концертлар бўлиб ўтган. “Шу куни,-деб ёзади “Тошкент окшоми” газетаси муҳбири С.Ёдгоров,-эрта тонгдан то кечгача шаҳримизнинг истаган бурчагида, истаган даҳа ва мавзеларида, маҳаллаларида, ҳар бир оилада Наврўз байрами кенг нишонланди”. Турли миллатга мансуб кишилар қўлни қўлга бериб, бағрикенлик, меҳриғиёлик билан, шоду хуррам, гина-қудуратсиз, адоватсиз байрам қилдилар³².

³² “Тошкент окшоми”, 1990 йил 23 март

Байрамлар ўтказиш бўйича Республика ташкилий кўмитаси 1991 йил Наврўз байрамига тайёргарликни бошлаб юборар экан, ўтган йиллардаги тажрибаларга таяниб, Наврўзнинг умухалк байрами мохиятини, халкчиллиги, оммавийлигини янада мустаҳкамлаш йўлини тутди. Байрам жамиятнинг илғор катлами онгида миллий озодлик, миллий гурур хиссини уйғотибгина қолмай, балки собиқ иттифок ҳукуматининг жонсарак, пала-партиш сиёсати туфайли миллатлар орасида юзага кела бошлаган ўзаро гумонсираш ва таранглик кайфиятига барҳам бериш, ўзаро ишонч ва дўстлик ришталарини янада маҳкамроқ боғлашга хизмат қилиш воситаси бўлиши лозим эди. Шу боисдан ҳам Наврўзнинг асосий томошасини Тошкентдаги ҳукумат уйи олдидаги шўролар ҳокимиятининг шиорлари, рамзлари тўлиб-тошган Бош майдонда ўтказишга қарор қилинади. Бу Наврўз мавқеини узил-кесил умумхалк байрами сифатида тиклаш имконини яратди. Тошкент ҳокимлиги байрам ўтказиш муваққат дирекциясини тузиб, уни етарли моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлади. Шаҳарни безаш, асосий майдондаги томоша учун безак ва жиҳозлар яратишда муайян бадиий ғояларга таянишга ҳаракат қилинди. Илк бор шўролар тузумининг рамзи бўлмиш кизил ранг ўрнини яшариш, поклик ва қут-барақа рамзлари-яшил, зангори, оқ ранг эгаллай бошлади.

Томоша сценарийси (У. Қорабоев, Б.Аминов, Б.Норбоев) ва сахнавий талқинда (бош режиссёр Р.Ҳамидов) ана шу ғоявий мақсад ўзифодасини топди. Шунингдек, томошада Она Ватанимиз тарихидан хикоя қилиш назарда тутилган. Томошабинлар ҳайкалнинг икки ёнида жойлашган, ҳукумат аъзолари ҳам улар орасида ўрнашган. Томошалар катта сахнада ўтказилган. Майдоннинг тўрт томонида Тошкентнинг 12 дарвозасининг рамзий кўринишлари, қўлларида ранг-баранг байроқчалар ушлаган ёшларнинг жонли девори дарвозаларни бир-бирига боғлаб туради. Чор атроф баҳор рамзлари, ҳаво шарлари, осуда рангли байроқлар билан безатилган.

Белгиланган вақтда карнайчиларнинг чакирик овозлари янграйди. Жонли парда очилади. “Қадимий шаҳар” хокими Буюк Ипак йўли орқали узок ва яқин юртлардан меҳмонлар ташриф буюрганани эълон қилади. Дарвозаларни очишни буюради. Дарвозалардан қарвонлар кириб кела бошлайди. Қарвонда Республикамизда яшовчи халқларнинг ўша пайтлар энди ташкил топаётган миллий маданият марказларининг миллий либосларда қўлларида соз ва гуллар тутган фаоллари, санъаткорлари, ҳар жойнинг ўзига хос либосларини кийган вилоятларнинг вакиллари намоён бўладилар. Ҳар қайси вилоят Тошкентга ўзининг энг яхши фольклор ансамблини йўллаган. Сурхандарёнинг “Бойсун”, Андижоннинг “Сумалак”, Самарқанднинг “Беш қарсақ”, Бухоронинг “Нозанин” ансамбллари шулар жумласидандир. Ҳар бир ансамбль майдонда ўз репертуаридаги энг сара томошасини кўрсатади.

Мусика садолари остида бахт қуши-Хумо пайдо бўлади. Бутун майдон ҳаракатга келади. Барча хаяжонда. Марказий сахна тўридан Ер шари ва унга боғланган Ўзбекистон Байроги осмонга кўтарилади. Мусика тинади. Микрофон олдига шаҳар раҳбари келиб, йиғилганларни Наврўзи олам билан қутлайди, бахт-саодат тилайди. Сўнгра “Наврўз сюитаси” номли театрлашган хореографик томоша бошланади. Увертюра бошланар экан, сахна ортидан миллий либослардаги киз-йигитлар майдонга бодрокдек сочилиб кетадилар. Қўлларида куртак очган новдалар. Бошловчи нинг жўшқин овози янграйди. Унинг “Элим соғинди Наврўзни...” деган сўзларини томошабинлар ҳам тўғри, ҳам истиклол соғинчи маъносида қабул қиладилар. Дарвозалардан Баҳорой, Дехқонбобо, Гул ва Насриддин-умумлашма-рамзий тимсоллар кириб келишади ва байрам аҳли орасига сингиб кетишади. Бирин-кетин сюитадаги рақслар ижро этилади. Шодиёна карнай-сурнай оҳанглари билан яқунланади.

Бош майдонда кўрсатилган асосий Наврўз томошасида атрофлича ўйланган, изчил мазмун ва шаклга, ўз кахрамонларига эга, бошланиши, ўзаро боғланган асосий қисмлари, тугуни ва ечими бўлган драматургия яратилди. Наврўз байрами гўё қадимий шаҳри азим Тошкентда мозийда бўлиб ўтгандай. Бир томондан Наврўзнинг буюк яратувчилик кучи-қудрати, таровати, тинч-тотув яшашга даъвати, иккинчи томондан, Тошкентнинг ҳам ўтмишда, ҳам ҳозир халқлар дўстлиги, дўстона маданий ва иктисодий алоқаларни қуйлаб келган буюк шаҳар экани ўз аксини топди. Байрам томошаси драматургияси яратилишида байрамнинг бош режиссёри Р.Ҳамидовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Зеро, мазкур драматургия-сценарийнинг шунчаки жонлантирилиши эмас, балки сахналаштириш жараёнида ҳосил бўлган мутаносиблик, яхлитликдир. Аммо тарихий ва афсонавий-рамзий кахрамонларнинг ҳаддан ташқари кўплиги (улар 11 нафар), мавзулар доирасини кенгрок олишга интилиш театрлашган томошанинг баъзи ўринларида тарқоклик ҳосил қилганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Умуман, Наврўз байрами, унинг томошалари, сайиллари мамлакатимиз бўйлаб бадий кадрятларни тиклаш, тарихни билиш, халқлар дўстлигини улуғлаш, тинчлик, осойишталикнинг кадрига етиш руҳида ўтди. Гул, Наврўз, Баҳорой, Дехқонбобо, Яъжуж-Маъжужу афсонавий-рамзий образлари шуҳрат топди. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий образи кўпгина бадий дастурлар, театрлашган томошаларнинг нуфузини белгилади. Марказий телевидение орқали кўрсатилган узлуксиз кўрсатувлар шундан гувоҳлик беради. Байрам ҳар бир вилоят, туман, ҳар қайси шаҳар, қишлоқ, корхона, маҳалла, ўқув юртининг маданий, этник, ижодий салоҳиятини, ўзига хос хусусиятларини тараннум этди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Йил сўнгида Республика Президенти сайланди. Истиклол ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган ўзбек халқи астойдил қувонди. Оллох

таолонинг бу улуғ неъматига шукроналар айтиб, енг шимариб ишга киришди. Бирок бундай жаннатмакон ўлканинг бирдан ажралиб, муस्ताкил бўлиб олишидан собик СССРнинг шовинистик доиралари дарғазаб бўлиб, минтака ва республикамиздаги баъзи калтафаҳм ички мухолифлардан фойдаланиб, юртимиздаги осойишталик ва турли миллатлар орасидаги тотувликни бузиб исён ва низолар чиқаришга уринишди. Қирғизистоннинг Ўш вилоятида рўй берган машъум воқеалар аслида мана шундай шовинистик кучларнинг хатти-харакатларидан нишона эди. Азалдан кўп халқлар ахил-иттифок бўлиб яшаган Туркистонда осойишталик, тинчлик, барқарорлик ўрнатиш жуда муҳим масала эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Қаримов, юрт фидойилари барча маънавий ва моддий имкониятларни шу мақсад йўлида мужассамлаштиришга киришдилар. Халқлар орасида дўстлик ва биродарликни тарғиб қилиб, уруш, баҳс ва ўзаро совуқчиликка барҳам бериб, ҳалол меҳнат, ҳашар, инсоф, адолатга чорлаб келган Наврўз анъаналари бу ишларда кўл келди. Ҳам шу мақсадда, ҳам истиклол туфайли бошланган миллий кадриятларни тиклаш ҳаракатининг ёрқин ифодаси сифатида 1992 йил байрами, унинг Тошкентдаги, вилоятлар ва туманлардаги сайиллари, томошалари, маросимлари айна муддао бўлди. У умумхалқ байрами сифатида нишонланди.

Асосий театрлашган байрам томошасини Халқлар дўстлиги майдонида ўтказишга қарор қилиндики, бу ҳам ўша сиёсий мақсаддан келиб чиққан эди. Наврўз томошаси орқали турли миллат, турли табақалардан чиққан кишилар халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигини намойиш қилиб, ишончсизлик ва хавотирланишга чек қўйиши ва шу билан Муस्ताкилликка хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Шундай бўлди ҳам.

Байрамнинг бош режиссёри ва бадиий раҳбари этиб тайинланган Абдурашид Раҳимов турли миллатлар ва элатларнинг тинч-тотув, ахил-иттифок яшаши мамлакат Муस्ताкиллигининг гаровидир, деган ғояни

томоша концепцияси килиб олди. Шу мақсадда Халклар дўстлиги майдони бор маҳобатли сатҳи бўйича томошагоҳга айлантирилди. Мана шу сахнада кўпдан-кўп жамоалар, танikli артистлар, спорт намояндалари, хаваскорлар, болалар ўз санъатлари ва хунарларини намоён этдилар. Яъни байрам томошаси чинакам оммавийлик касб этди. Узокда Ҳадра майдонигача бўлган халқ сайли жонли фон вазифасини бажарди. Режиссёр А.Рахимов лойиҳаси охиргача амалга ошди, деб айтиш кийиндир, лекин асосий сиёсий мақсад-халклар орасидаги дўстлик ва биродарликни улуғлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига яхши ниятлар билан кириб бораётгани ўз аксини топди. Томоша уч қисмдан иборат бўлиб, бир соатча давом этган. Муқаддимада томлардан карнай-сурнайлар садоси янграб, маҳобатли майдон ҳаракатга келган. Шоирларнинг Наврўз байтлари янграган. Улкан сахнада Ўзбекистон бадийий жамоалари Наврўз манзараларини, халқ қувончини тараннум этувчи сюитани ижро этишган. Баҳорой, Дехқонбобо, Насриддин Афанди каби рамзий образлар театрлашган сахналарни бир-бирига боғлаб турган. Мехнат, тинчлик, дўстлик ва Мустақиллик ғояларига урғу берилган.

Иккинчи қисмда Тошкент шаҳри туманларининг қарвони билан вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоаларнинг чиқишлари уйғунлаштирилди. Бир вақтнинг ўзида Ҳадрадаги цирккача бўлган йўллардаги сайил манзаралари, атрофдаги дорбозларнинг машқлари томошага виқор ва жозиба бахш этган. Асосий майдонда бир вилоятдан келган меҳмонлар, бир Тошкент тумани ўз меҳнати ва ижодидан ҳикоя қилган. Мавзулар хилма-хил, санъатлар хилма-хил. Репертуар халқ анъанавий маросимларидан тортиб замонавий сюитагача ўз ичига қамраган.

Нихоят, учинчи қисм. “Дўстлик карнавали” деб аталган. Миллий маданият марказлари тимсолида Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг дўстлиги, тинч-тотув яшаши тасвирланган. Барча сахналар, сахна

олдидаги йўл, бадий фон, атрофдаги ҳаво шарлари, байроқлар, гуллар ҳаракатга келган. Ч.Айтматовнинг “Момо ер” асаридаги қаҳрамонларнинг яхши тилақлари, орзулари янграган. Куй, кўшиқ, ракс авжига чиққан.

Тошкентнинг яна ўн битта майдонида сайиллар, томошалар давом этди. “Гўё Халқлар дўстлиги майдони улкан бир денгизу ўн бир майдондаги шодликлар унга куйиладиган иромқлар эди. Бутун шаҳар ушбу кун тўйхона бўлди”³³.

1993 йилги Наврўз Ийди Рамазон арафаларига тўғри келди. Шу боисдан янада кадрли, янада тароватли нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз Наврўз табригида бу жихатни алоҳида қайд этди, бутун халқни ҳам Наврўз, ҳам Рамазон ҳайити билан самимий табриклади.

Улкан майдон узра қарнай-сурнай садолари янгради. Осмонга Ўзбекистон байроғини хилпиратиб шар учди. “Мархабо, Наврўз” номли катта театрлашган байрам томошаси бошланди. Майдон бамисоли барқ уриб очилган гулзорни эслатди. Бир вақтнинг ўзида асосий ва бошқа сахналарда томошалар намоён бўлди. Олдиндаги бош сахнада ҳарир пуштиранг кўйлак кийиб, чаккаларига бодом гуллари тақиб олган “Баҳор” ансамблининг қизлари “Баҳор” вальсини ижро этишади. Булбуллар уларга жўр бўлишади. Қарнай-сурнайлар садоси остида момолар, аммаки-холалар, келин-куёвлар пайдо бўлиб, сумалак улашиб, ўйин-кулги қилишади, исирик тутатиб, юртимизни, халқимизни ёмон кўздан Оллоҳ ўзи асрасин, деб дуо қилишади.

Шундан кейин кетма-кет 12 та фольклор-этнографик ва мусиқий-хореографик сюита ва композициялар намоён қилинади. Ҳар бирида ўзида хослик, бетакрор тароват, суръат муҳайё. Вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоалар, “Баҳор”, “Шодлик”, “Зарафшон”, “Лазги”,

³³ Ўша жойда

“Айқулаш” ансамбллари маҳоратидан томошабинлар завқ олишади. Раккос ва раққосалар, масҳарабозлар, аскиячиларнинг чиқишлари, канчадан-канча тикланган халқ кўшиклари, рақслари, лапарлари, маросимлари истиклол туфайли маданий кадриятимиз кадр топа бошлаганидан дарак берди. Жумладан, эрта баҳорда эзгу ният билан сув сепиш каби тикланган маросим кўпчиликда катта кизиқиш уйғотди.

Мустақиллик 2-3 йил ичида кишилар онги ва шуурига обихаёт каби кучли таъсир кўрсатди. Коммунистик мафкура остида манкуртга айлана бошлаган зотлар яна ўз ҳолига қайта бошлади. Халқ топталган ғурури, маънавияти, тарихини тиклашга киришди. Миллий мерос, миллий анъана, миллий ифтихор каби атамалар бемалол ишлатиладиган бўлди. Аммо миллий маҳдудлик, миллатчиликка берилмадик. Зеро, мақсадимиз кунунлар олдида ҳамма тенг бўлган демократик жамият қуриш, мамлакатда яшовчи барча миллатлар бирлигини сақлаш, жаҳон маданиятининг энг илғор тажрибаларини ўзлаштириш ва ўз ютуқларимизни жаҳонга чиқариш эди. Наврўз байрами томошалари ва сайилларида ана шу ғоялар ўз аксини топа бошлади.

1994 йилги Наврўзнинг бош театрлашган томошаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи мажмуида улкан халқ шодиёнаси шаклида сахналаштирилди. Ёдгорлик зиналари, асосий сахна, ён сахналар, йўлақлар, фаввораларнинг атрофлари, фазо-ҳамма-хаммаси томоша майдонига айлантирилди. Иштирокчиларнинг ўзи, жонланувчи фонни ҳам бирга кўшиб ҳисоблаганда, 4,5-5 минг кишини ташкил этган. Байроқлар хилпирайди. Шарлар ҳавода сузади. Майдоннинг турли бурчакларида варрақлар ва лайлақлар учиради. Баҳорни шу тарзда қаршилаган шўх-шодон болаларнинг кўшиқ ва рақслари майдонни қоплайди. Ҳатто бадий фонда ҳам болаларча шўхлик, қувнокликнинг ранглар жилваланади. Уларга “Гавҳар” фольклор ансамблининг баҳорни қаршилаш билан боғлиқ маросим-ўйинлари уланиб кетади. Улар билан

бирга Дехконбобо (бу ролда Мукимий театр актёри Ф.Ахмедов гавдаланган) чикиб, ер, дехкончилик, сув, баҳор хакида доно фикрлар айтиб хаммани ўзига каратади. “Дехкон байрами” сюнтаси ижро этилади.

Ўтган йиллар вилоятлардан ўз маҳорати билан ажралиб турувчи бирон бир халк ансамбли тўлдирилган ва кучайтирилган холда юборилади. Бу йил эса ҳар бир вилоятга 50-80 кишилик махсус йиғма ижодий жамоа тузиб, ўша ҳудудга хос дастур тайёрлаб келиш топширилади. Шу боисдан деярли барча вилоятлар бу ишга масъулият билан ёндашиб, сумалак байрамидан тортиб, “Сует хотин” номли ёмғир чакириш, “Чой момо” номли шамолни тўхтатишгача бўлган хилма-хил маросимларни, кўшиқларни, ўйинларни тиклаб, бадий шаклга солиб, миллий боғ майдонида намойиш этдилар. Томошабин кўз ўнгида бутун Ўзбекистонга хос халк томошалари, ракслари, маросимлари жонлангандай бўлди. Ижролардаги самимийлик, жўшқинлик, ғайрат-шижоат ва ҳазил-мутойиба томошанинг ушбу энг катта қисми ўзига хослигини таъминлади.

Нихоят, томоша “Наврўз алёри” мусикий хореографик сюнтани ижро этиш билан яқун топди. Фазога шарлар учирилди. Мушақлар отилди. Бадий фон ранг-баранг чакириқларни ифода этди. Бутун майдон ҳаракатга келди. Мусиқа, ранглар жилоси, кудратли алёр садоси, ракслар шиддати калбларда ифтихор туйғулари уйғотди.

1995 йил Наврўз байрам томошасини тайёрлашга киришган ташкилий кўмита байрам таркиби ва услубида кескин янгиликка эришиш мақсадида бу ишга режиссёр Баходир Йўлдошевни таклиф этади. Ташкилий кўмита томошанинг бадий раҳбари ва бош режиссёри макомини олган Б.Йўлдошев олдига асосий шарт сифатида адабий сценарий яратиш ва бу учун истеъдодли ёзувчини жалб этиш масаласини кўяди. Б.Йўлдошевнинг нияти ҳам шу эди. У Мирзо Улуғбекка бағишланган томошани биргаликда яратган синашта ҳассос шоир Хуршид Давронни жалб этади. Хуршид Даврон тарих билан махсус шуғуллангани

сабабли Наврӯзга оид манбаларни яхши биларди, сценарий ёзишда уларга таянади.

Асар мукаддима ва тўрт қисмдан иборат бўлиб, унга Абу Райхон Берунийнинг “Осор-ул-бокия” асарида ёзиб қолдирилган Наврӯз Аллох томонидан қоинот, қуёш яратилган вақт, фаришталар, пайғамбарлар улугланган қун, деган фикр сингдирилган.

Мукаддима сценарий муаллифи томонидан қуйидагича ўйланган: Миллий бог мажмуининг Алишер Навоий ёдгорлиги қаршисидаги майдон марказида ва ён томонларда сахналар жойлашган. Икки бурчакда дор тикилган. Ўртада абадият рамзи-чархпалак ростланган. У томоша давомида гоҳ Қуёш, гоҳ Ер, гоҳ Сув рамзи-яъни ҳаёт рамзларига айланиб ҳаракатга келади.

“Қоинот-оламнинг яратилиши” номли биринчи қисм бошланади. “Оламнинг яратилиши” қуйи янграйди. Сахнада қотиб турган етти раққоса аввал тартибсиз, кейин эса мукамал тартибда чарх уриб айланади.

Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” достонидаги оламнинг яратилишига бағишланган сатрлари ўқилади.

Мусика садолари остида етти жойда ҳар бири етти раққосадан ибора етти гуруҳ айланиб ўйнайди. Яъни муаллиф биринчи қисмдаги барча ўйинларни мана шу 7 рақами асосида қуришни таклиф қилади. Бундан ташқари, қисм томошаси давомида қадимий либослар кийган хор гуруҳининг тантановор юриш билан ўз ўрнини эгаллаши назарда тутилган.

Иккинчи қисм “Сув” деб аталади. Либоси шаршарани эслатувчи киз-Сув рамзи кириб келади. Яшил ранг қўйлак кийиб, бошларига гулчамбарлар тақиб олган кизлар. Сув маликаси атрофида чарх урадилар. Навоийнинг шу мавзудаги байтлари ўқилади. Бу ерда муаллиф фольклор-этнографик ансамбль томонидан “Суст хотин” номли томошанинг, ёғоч от

минган болаларнинг сув сочиб, бир-бирларига яхши ният, ёруғлик тилаб айтидиган кўшиқларининг ижро этилиши мумкинлигини кайд этади.

Майдонга Қуёш рамзи бўлган киз етти сайёра-кизлар қуршовида кириб келиб, чарх уриб айланиб ўйнайди. Алишер Навоий дostonидан мисралар жаранглайди. Муаллиф томошанинг ушбу қисмида аждодларимиз маросимларидан лавҳалар кўрсатилиши, Қуёшни мадх этувчи кўшиқ ва рақслар ижро этилиши мумкинлигини таъкидлайди. Майдон ичида ва атрофида катнашувчиларнинг қўлларида машъаллар порлаши айтилади.

Байрамнинг «Бахт» қисми ҳам, муаллиф таклифича, хорнинг қуёшни улуғлаши билан якун топади.

Нихоят, “Ер” деб аталган тўртинчи қисм Алишер Навоийнинг шу мавзудаги сатрлари билан бошланиб, дастлаб Одам Ато билан Момо Хавонинг бунёд бўлиши кўрсатилади. сўнг майдонда табиатнинг ранглари акс этиб турган киз-Ер сайёрасининг рамзи пайдо бўлиб, чарх уриб ўйнайди.

Шундан кейин сценарийда майдонга Баҳор маликасининг кириб келиши ўйланган. Томоша иштирокчилари (яъни халқ) бир-бирларига гуллар тақдим қилиб, байрам билан қутлашади. Бир гуруҳ аёллар етти хил донли экин майсаси кўқариб чиккан патнисларни кўтариб келишади. Даврага келинчакларни олиб кириб, майдонга ёқилган гулханлар атрофидан айлантиришади. кизлар аргимчокларда учдилар. Дор ўйини. Ёғоч от ва ёғоч оёқ минган болалар майдоннинг тўрт томонида ўйнашади. Чархпалак етти хил рангда товланиб айланади. Дехконлар қўш хайдаб (тери ёпинган масхарабозлар хўкизлар қиёфасида гавдаланадилар), кўшиқ айтишади. Сухандон Рабғузийнинг Наврўз ҳақидаги маснавийсини ўқийди. Майдонга набирасини етаклаб Дехконбобо кириб келади. У мехмонларга дон улашади, ерга сочади. Сухандон “Ерга уруғ сочайлик, бўтам” деган шеър билан томошани якунлайди.

Шундай килиб, Хуршид Даврон Наврўзнинг келиб чиқишини бутун оламнинг яратилиши, инсоннинг пайдо бўлиши билан боғлаган ҳолда ўз сценарийсини Коинот, Сув, Куёш, Ер қисмларидан иборат қилиб тузади. Наврўзни табиат байрами, эзгулик байрами сифатида кўрсатади. Сценарийнинг яхлитлиги, шунингдек, ҳар бир қисм ўз ички қурилишига эга бўлиб, муаллифнинг майдон томошаси драматургияси хусусиятларини ҳисобга олганидан гувоҳлик беради. Рамзий тимсолларни гавдалантиришда аждодларимиз эътиқод қилган 7 рақамдан фойдаланилган. Мавзу мантикли қурилиб, ўзига хос сюжет ҳосил қилинган. Сув, Куёш, Ер, Етти сайёра, Баҳор маликаси, Дехқонқобо рамзий образлари муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсади, сюжет қурилмасига ҳамоханг, мос, қисмларни бир-бирига боғлашда муаллиф шоир овози (суҳандон шеърхонлиги)дан фойдаланилади. Томошада хилма-хил воситалар (қуй, кўшиқ, хор, маросим, намойиш, ракс, рамзий образлар хатти-ҳаракати, образли қурилмалар, маҳобатли тасвирлар)дан кенг фойдаланиш назарда тутилган.

“Майдонни латиф мусика садолари эгаллаб олди,-деб ёзади Темур Убайдулло.-“Баҳор вальси”нинг дилдор оҳанглари таралди. Унга жўр бўлиб ўнлаб қарнай-сурнайларнинг, чилдирма-ю ноғораларнинг гулдуриси янграйди. Улкан саҳнадан то бобомиз ҳазрат Алишер Навоий хайкали пойигача чўзилган ҳудудда ажиб гўзалликлар барпо бўлади. Саҳнадаги санъаткорлар “Оламнинг яратилиши” хақидаги хикояни мусика ва ракслар орқали ифода этдилар. Кишилар олам ниҳоятда қадим, ниҳоятда кўхна эканлиги, унинг яралиши қанчадан-қанча зақолар, даҳолар меҳнати, истеъдоди, тангри таолонинг буюқ марҳамати эканлигини юрак-юракдан ҳис этдилар”³⁴.

Томошанинг муқаддимаси ва биринчи қисми баёнидан англашилиб турибдики, бунда мусика ва ракс воситалари етакчилик қилган.

³⁴ “Тошкент окшоми”, 1995 йил 22 март

“Сув касидаси” номли иккинчи қисмда мусиқа, ракс каторига муҳим восита сифатида қўшиқ қўшилганини кўрамиз. “Саҳна узра худди ёмғир томчиларидек сочилиб кетган турфа либосдаги жажжи болалар, сув маъбудасининг кириб келиши, халқимизнинг оби-хаётга бағишланган қадим қўшиқларининг ижро этилиши ниҳоятда таъсирли кечди. Зеро, сувни ҳеч қайси халқ ўзбек халқичалик кадрламаса керак. Улкан саҳна мавжли уммонга айланганида барчанинг юрагида мовий тўлқинлар пайдо бўлгани шубҳасиз”.

Учинчи қисмнинг қаҳрамони саҳналаштирувчилар томонидан мўйсафид киёфасида гаваданланган, сценарий муаллифининг янглиш тасавури тузатилган. Журналист Темур Убайдулло уни Бобоқуёш деб атади. Бу қисмда ҳам болалар қуёш зарралари бўлиб қуйлаб, майдон узра чарх урадилар.

Сўнги “Ер-Наврўзи олам” қисмига алоҳида эътибор берилган. “Майдон гунафшалар, бойчечаклар, лолаларга тўлиб кетди. Наврўз билан Бободехкон ташрифи дилларни бахтиёр қилди.. Алвон-алвон кийинган йигит-қизларнинг қўлларида гул, юзларида гул. Улар ижро этган қўшиқларда, раксларда халқимизнинг тарихию келажаги омухта эди. Бободехкон билан Момо Ер ёш гўдак оёғи остига дон тўкиб: “Ерга бугдой соч, болам” дейишида бир олам мазмун ўз аксини топган эди”³⁵. Бундан кўриниб турибдики, саҳналаштирувчилар Ерни ҳам ёш қиз киёфасида эмас, Момо киёфасида гаваданланган тўғри йўл тутишган.

Театрлаштирилган томошалар, сайиллар, узлуксиз телекўрсатувлар, матбуот материаллари тўғрисида Наврўз байрамини тайёрловчи ва ўтказувчи юзлаб томошасозларнинг тажрибаси ортиб борди, халқнинг ҳам Наврўз тарихи, моҳияти тўғрисидаги тасавури кенгайиб, тушунчаси чуқурлашиб борди. 1996 йилда ўтказилган Наврўз байрами тадбирларида,

³⁵ Ўша жойда.

Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган асосий театрлашган томошада бу нарса ўз аксини топди. Бу гал томоша яратиш вазифасини яна режиссёр Рустам Ҳамидов ўз кўлига олиб, сценарий ёзишга атокли журналист ва ёзувчи Йўлдош Муқимов (Оташ)ни жалб этди.

“Ризо-жавохир, низо-хавотир” деб номланган бўлим Сиёвушга бағишланган. Сиёвуш ҳам Эрон, ҳам Турон фарзанди сифатида талкин қилинади. У икки мамлакат ўртасидаги низоларни бартараф қилиб, тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун курашган, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган. Аммо тухматга учраб, қатл этилган. Турон халқи унинг номига кўшиқлар тўқиган. Сиёвуш орқали Эрон ва Турон халқларининг томири бир деган гоё ўз ифодасини топади.

Навбатдаги бўлим “Зардушт-халойикка дўст” деб аталади. Унда оташпарстлар пайғамбари Зардушт образи гавдалантирилади. У майдонга тилларанг туя минган ҳолда салобат билан кириб келади. Хурмузд садолари, Зардушт нидолари Амударё қирғоқларида. Орол бўйида жойлашган манзиллар, Хоразм, Суғд, Марв мамлакатларида истикомат қилувчи халқлар, элатлар бахтлидирлар, чунки жаннатмакон ўлкалар уларники, факат ўнг қўл ва сўл қўл билан меҳнат қилиш керак, деган мазмун сингдирилган.

Оташ ўйини ва оташ кўшиғи билан бўлим давом эттирилади. Наврўз арафасида ва унинг биринчи кунинида оташга сизгинишнинг ўзига хос кўринишлари бўлган жуда кўп маросимлар, томошалар уюштирилган. Олов атрофида кўшиқ айтиб, айланиб ўйнаганлар. Муаллиф тангрининг рамзи бўлмиш олов ва унинг атрофида ўтадиган ўйинлар таърифига алоҳида эътибор беради. Аввалида шум кампир-Аямажузни ҳайдайдилар. Арслон ва бука териларини ёпинган йигитлар кўшиқ айтиб, олов атрофида ўйнайдилар. Шу тарика куч ва меҳнат тимсоллари гавдалантирилади:

“Юрак-багрини кон килиб, йўлдан чиккан одамларга хакикат ва тариқат илмидан сабоқ берган, дилларга ишонч ва эътиқод уруғини сепаган” Зардуштнинг одамларга васияти келтирилади.

Шундан кейин бирин-кетин “Сумалак”, “Бободехкон-барака рамзи”, “Кўш оши” сахналари, уларга боғлиқ йигит билан киз лапарлари, “Бугинани-я, шугинани-я”, “Оқ теракми, кўк терак” ўйинлари берилади.

Яқунловчи бўлим “Карвон кўрмоқдамен” деб номланган бўлиб, унда сценарий бошламасида бўлгани каби яна Ерўғлон окин билан Наврўз ойим айтишуви янграйди. Кейин Ерўғлон окин Замин узра пайдо бўлади. Майдон ўртасидаги тепаликка салобатли қадамлар ташлаб кўтарилади. Халойикка таъзим қилади ва элимни ёв балосидан, игво-бўхтон балосидан, офат балосидан асрагин деб Тангрига илтижо қилади. “Наврўзи бузрук” куйи, сўнг “О Наврўз сайли, сайли” кўшиғи янграйди. Майдонда турли миллат кўшиқ ва рақслари ижро этилади. Инсоният бирлиги, Она Ернинг муштарак ватанлиги хақида турли тилларда кўшиқ янграйди:

Радиокарнайлардан байрамга даъват қилувчи садолар янграйди. Шундан кейин Бобоқуёш, Ой, Замин, Инсон киёфалари пайдо бўлади.

Сахнада 12 та мучал киёфаси кўринади. Улар майдон бўйлаб ўтадилар. Ўтган 1996 йил Сичкон йили бўлганидан алоҳида эсланади. Янги мучал-Сигир йили бошлангани эълон этилиб, у ўзлигини намоён қилади:

Сигир шохлари мойланиб, омоч ҳаракатга тушади. Ерга дон сепади. Халқнинг ҳазил-мутойиба кўшиғи янграйди. Инсон шукрона келтиради. Буни эшитиб Қуёш меҳнатқаш Инсонни сийлаганини, хуш кўрганини изҳор қилади.

Шундан сўнг майдонга бирин-кетин 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси намояндalари кириб келиб, ўзларига хос санъатларини намойиш этишлари белгиланади. Ҳар бир вилоят намояндalари

ўтаётганда, таништирув шеъри ўкилиши, ҳаракатланувчи бадий қурилма пайдо бўлиши айтилади.

Сценарий баёнидан маълумки, у қисқа ва лўнда ёзилган. Жами саккиз саҳифадан иборат. Аммо муаллиф унга катта мазмунни сиғдиришга ҳаракат қилади. Яъни Ўзбекистоннинг буюқ Туркистон қўйнидаги Қуёш ўлкаси экани, унда меҳнатқаш Инсон ва янгиланиш байрами Наврўз улугланиб келгани тараннум этилади. Мазкур мазмун образли-рамзий ечимни талаб этган. Муаллифнинг Қуёш, Инсон, Нихол, Мучаллар тимсолларидан фойдаланиши ҳам ана шундан.

Томошанинг асосий қисмида инсон манфаатларига хизмат қилишни ўз бурчи деб билган юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига, унинг порлок истикболига ишончи ўзи ифодасини топгандай. Табиат уйғонадию, Нихол пайдо бўлади. Қуёш заррин нурларини таратади. Дехкон дон сочади. Келиларда бугдой майсалалари туйилиб, дошқозонда сумалак қайнайди.

Шундан кейин 12 мучалга бағишланган вокал-хореографик композиция (Шукур Қурбонов ва Жуманиёз Жабборов шеърлари, Баҳрилла Лутфуллаев мусиқаси) берилиб, ҳар мучалга хос жиҳатларни акс эттирувчи қўшиқ ва рақслар ижро этилади. 1997 йил мучали бўлмиш Сигир тахтда, унинг атрофида бошқа мучаллар айланиб ўйнашади. Сигир ўз қўшиғида бу йил кут-баракали келишини изҳор қилади.

Вилоятлардан келган ижодий жамоалар, фольклор-этнографик дасталарининг ўрни, сценарийдан фарқли ўларок, байрам томошасида ихчам шаклда, табиий берилган. Ҳар вилоятларнинг ўзига хос иктисодиёти ва маданияти аввало ҳаракатланувчи қурилмада, саҳнада эса ижодкорлари дастурларида намоён бўлади. Саҳнадагилар Наврўзга бағишланган ўзига хос томоша ва ўйинларини эҳтирос билан ижро этадилар. Ҳар бир вилоят дастуридан нимадир томошабинларни лол қолдиради. Сурхондарёликларнинг қошиқларини уриштириб бир оёқни кўтариб-кўтариб ўйнаши, сирдарёликларнинг лола сайли (йигитлар ва

кизларнинг висолга етишув маросими), бухороликларнинг келин кўрдиси, жиззахликларнинг куёвнинг кулокчўзма килишлари, кашталиқ либослар кийган самарқандлик йигит-кизларнинг бир-бирларини табриқлаб ўйнаши, навоийликларнинг “оккина бола-ёр-ёр, Ҳамдам ёр-ёр” ўйин-кўшиғи, кашқадарёликларнинг чарх йигириб, гилам тўкиши, фарғоналикларнинг кураш пайровидаги аскияси ва катта ашуласи, наманганликларнинг “Во хой бола” ракси, андижонликларнинг “Қилпиллама” хазил-кўшиғи, қорақалпоқларнинг бахшиси-ю йигитлар ракси, хоразмликларнинг “Наврўзи олам келди” дастури ва гулбарқашда Наврўзойни кўтариб чиқиши шу жумладандир.

Хуллас, байрам томошаси Муқаддима, Мучал (Янги йилнинг келиши), “Ўзбекистонда Наврўз” (вилоятлар санъати), “Туркистонда Наврўз” қисмлари ҳамда Хотимадан ташкил топган. Бир суръатда, бир-бирига узвий боғланиб, бадий яхлит томоша тусини олган. Биргина сўнги-“Туркистонда Наврўз” қисми мана шу бадий яхлитликни бузди. Чунки бу дастур суръат, ижро савиясига кўра олдинги қисмлардан ажралиб турди, бадий жиҳатдан ҳатто ўзаро лозим даражада боғланмади. Томошанинг умумий кўтаринки руҳини бўшаштирди. Байроқлар кўтарилди. Шарлар учирилди. Мушаклар отилди.

1998 йил 11 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлисини шахсан Президентнинг ўзи бошқарганини шу билан изоҳлаш мумкин. У йиғилишда Наврўзнинг диний эътиқодлардан анча олдин пайдо бўлганини, асрлар давомида халқимизнинг энг қадрли ва энг суюкли байрами бўлиб келганини қайд этиб, табиатнинг уйғониши ва яшариши, шу табиатнинг олий маҳсули бўлмиш инсоннинг руҳий ва жисмоний покланиши, ерга уруғ сочиши, кўчат экиши, меҳр-мурувват кўрсатиши, яхшилик қилиши, тозалikka интилиши, гўзал хис-туйғулар, орзу умидлар билан тўлқинланиши мазкур байрамнинг энг муҳим хусусиятлари эканини

яна бир карра таъкидлади. Президент Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган байрам дастурига тўхталиб, унда санъатимизнинг барча ўзига хос йўналишларини акс эттириш зарурлигини уқтирди. Мумтоз куй ва кўшиқлар, халқ ижодиёти, масхарабозлар, полвонларнинг чиқишлари, театрлашган маросимлар билан бир каторда замонавий санъат намуналари ҳам бўлишига эътиборни қаратди. Миллий эстрада масаласига алоҳида тўхталди.

Юртбошимиз ташкилий ва ижодий масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан. томоша дастури, моҳияти ва таркибини ҳам белгилаб берди. “Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган, ўзига хос яна бир жиҳати,-деди юртбошимиз,-мафкурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрами эканлигидар. Байрамга тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Токи биз тантаналардан одамлар юракда бор туйғуларини юзага чикаришларига, интилишларини ифодалашларига, орзу-умидларини намойиш эта олишларига имконият яратиб берайлик”³⁶.

Оммавий томошада халқ ижоди, эстрада, Алпомиш ўйинлари, мамлакатимизда яшовчи турли миллатларнинг санъатлари ўз ифодасини топиши ҳам таъкидланди.

Сценарий муаллифи Абдулла Орипов, бош режиссёр ва бадий раҳбар Рустам Ҳамидов ўз ишларида мажлисда айтилган гапларга, йўриқларга таяндилар. Сценарий ва шу асосда яратилган оммавий майдон томошаси бундан аниқ тасдиқлайди.

Мукаддимада чорлов мусикаси янграйди, бошловчи сўзи, кейин сахнада янги йил-Йўлбарс пайдо бўлади ва ўз шериклари билан ўйнайди. Наврўз ҳақида янги кўшиқ айтилади. Майдон одамга тўлади. Сўз Президентга берилади.

³⁶ Энг қадимий, энг миллий байрам. — “Халқ сўзи”, 1998 йил 13 март

Биринчи қисм “Табиатнинг тўрт фасли” деб аталган бўлиб, театрлашган шеърӣ-муסיкий композиция билан бошланади. Ёз, Қуз, Қиш, Баҳор образлари гавадланади.

“Бола бахти-оила бахти” деб аталган иккинчи қисмда етти ёшли болалар гуруҳи томонидан “Етти болакай кўшиғи” куйланади. Она замин, Баҳорой, йўлбарс тимсоллари пайдо бўлади. Баҳорни мадҳ этувчи болалар кўшиқлари, ўйинлари ўйналади. Оила мавзуси ёритилади.

Учинчи қисм “Ўзбекистон-алплар, Алпомишлар юрти” деб номланган ва “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган: “Алпомиш” достони ва муסיкали драмаси асосида Барчинойнинг Алпомишни кутиши ва Алпомишнинг ғалаба билан қайтиши сахнаси яратилиши кўзда тутилган.

“Халқ ижодиёти-санъат сарчашмаси” номли тўртинчи қисм чол ва кампирнинг айтишуви билан бошланиб, унда етти каср-кошоналар олдидан етти келин билан етти куёв пайдо бўлиб, келин салом, исирик тутатиш, шарбат ялатиш, ойна кўрсатиш маросимлари кўрсатилиши айтилади. Мана шу қисмда янги эстрада кўшиқлари ҳам ижро этилиши режалаштирилади. Умуман, қисм тўлалигича Тошкент шаҳри туманлари иштирокчилари томонидан бажарилиши назарда тутилади.

“Ўзбекистоннинг ранг-баранг гулдастаси” деб аталган бешинчи қисм вилоятларнинг вакилларига ажратилган. Бошловчи сўзи, Наврўзга бағишланган янги кўшиқдан кейин Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 12 вилоят вакиллари ўзлари тайёрлаб келган дастурларни бирин-кетин кўрсатдилар. Сценарийда шу қисм Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сиймоларининг гавадланиши ҳамда турли миллатлар санъатлари намуналари ижро этилиши билан тугалланиши белгиланади.

Барча катнашувчиларнинг хозир бўлиши, янги кўшиқлар янграши, мушак отилиши билан томошага хотима берилади.

Томошани кузатар эканмиз, унда ташкилий кўмита билдирган таклифлар, йўл-йўриklar хисобга олинганини, наинки эстрада, шу билан бирга халқ ижодиёти, оила ва болалар мавзулари, “Алпомиш” сахнаси, вилоятлар санъати тўлақонли ёритилганини кўраимиз. Оила мавзуини ёритишда кўконлик Шеркўзиевларнинг 16 кишилик оилавий ансамбли хизмат қилди. Вилоятларнинг вакиллари ўзларига ажратилган 3-4 дақиқали вақт ичида бисотларидаги энг яхши, энг қизиқарли кўшиқ, ўйин ёки театрлашган маросимларни кўрсата оладилар. Қашқадарё вилояти гулларга бурканган бешик-аравада Бахоройнинг кириб келиши, кейин араванинг чархпалакка айланиши, кўплашиб ижро этилган “Хувва-хув” ўйин-кўшиғи билан, Фаргона вилояти оилавий ансамбли ҳамда М.Козоков, М.Шералиев, Ҳ.Султонов ва бошқа аскиячилар ижро этган “Наврўз” пайрови билан, Тошкент вилояти хашар сахнаси, полвонлар чиқиши, “Наврўз таронаси” (Н.Нарзуллаев шеъри, халқ мусикаси) билан, Бухоро вилояти Афанди киёфаси, “Мавриги” томошаси ва рақслари билан, Навоий вилояти кайнона-келинларининг сумалак тайёрлаш сахнаси, аркон тортиш, хунарни улугловчи кўшиқлари билан, Сирдарё вилояти “Чоймомо” номли шамол хайдаш, кўпқари, олтин маросим-томошалари билан, Жиззах вилояти ёр-ёр айтиш маросими, чавгон, бешқарсақ, жийда пўпак ўйинлари билан, Самарқанд вилояти бойчечак сайли, “Оҳ бола, бола”, “Махсидўз” кўшиқлари билан, Наманган вилояти кизларининг лола сайлида ўйин-кулги қилишлари сахнаси билан, Андижон вилояти “Андижон полькаси”, “Дучава” рақслари билан, Сурхандарё вилояти раққосаларнинг сибизик, чангқовуз, дўмбира ва доира жўрлигида ковок идиш ва қошиқларни қарсиллатиб ўйнаб чиқишлари, дехқон ва хунарандларнинг меҳнати манзараларини акс эттиришлари билан, Хоразм вилояти Лола сайлида киз-йигитларнинг айтишуви, сумалак маросими, чоллар рақси, қовун хусусида хазили билан, Қорақалпоғистон қорауй олдида йигит-қизларнинг ўйин-кулгуси,

“гештек” хангомаси билан минглаб (телеведение оркали кўрсатилганда, миллионлаб) томошаларни ром этдилар.

Энг муҳими, қисмлар, қисмлар таркибидаги композициялар, бадий лавҳалар, якка ва умумий ижролар, бадий фон мазмунан, шаклан, мароми, суръати билан бир-бирига шу қадар сингиб кетганки, ажратиш қийин. Юкоридан, Алишер Навоий ёдгорлигидан баҳор рангларидаги байроқларни кўтарган йигитлар тушиб келиб, гулкўприқларга жойлашар экан, гўё буюк шоир авлодларини дуо қилаётгандай тасаввур туғилади. Карнайлар жар солиб, Наврўз бошланганидан дарак беради. Ватан хақидаги кўшиқ янграйди. Майдон четидаги чархпалак айланиб, фасллар алмашувидан дарак беради. “Фасллар” номли ракс композицияси бошланади³⁷. Сахнада бирин-кетин Ёз, Куз, Қиш ва Баҳор фаслларини ифодаловчи яшил, сарик, оқ, кўк рангли либослардаги тимсоллар ва уларни куршаган гулқизлар ҳар фаслга мос раксга тушадилар. Ёзнинг кайнок ҳарорати, Кузнинг ноз-неъматларга ғарк бўлиши (саватлар тўла турфа мевалар кўтариб чиқишади), Қишнинг изғирин, бироқ қалбларга илиқлик улашувчи ҳаракатлари, Баҳорнинг шўх-шодонлиги раксларда ўз аксини топади. Болаларга бағишланган катта композиция, “Алпомиш” сахналари ҳам томошага узукка кўз қўйгандай ярашган. Умуман, табиат ва унинг фарзанди Наврўзнинг абадийлиги, у билан боғлиқ халқнинг, халқ санъатининг абадийлиги ғояси бутун томоша бўйлаб ўтади ва унинг абадийлиги яхлитлигига хизмат қилади. Томошада қадимий санъат ва маросимларнинг замонавий кўшиқ ва ракслар билан, мумтоз мусика, ракс санъати намуналарининг халқ ижодиёти билан бирга қўшиб тараннум этилиши санъатимиз абадийлигини билдиради.

1999 йилги Наврўз байрамини тайёрлаш ва ўтказиш ишлари анча эрта бошлаб юборилди. 1998 йил 18 ноябрда Наврўз моҳиятини белгиловчи

³⁷ Спиридонова А. Навруз-извечная радость. “Вечерный Ташкент”, 1998, 23 марта

ғоя, томоша сценарийси, бадий безак, либослар, вилоятларнинг энг яхши бадий дастурлари, вазирликлар, муассасалар ва ўқув юртларининг энг яхши дастурлари, янги мусика асарлари, режиссёр режалари бўйича республика танлови эълон қилинди. Бундан ташқари, Маданият ишлари вазирлиги ҳам Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун танлов эълон қилди. Шу асосда ижодий жамоалар, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, халқ ансамбллари, режиссёрлар ишга тушиб кетдилар.

Бу йил ҳам Алишер Навоий номидаги Миллий бoғда ўтадиган асосий театрлашган Наврўз томошаси сценарийсини Абдулла Орипов ёзди. Сценарийга 1999 йил “Аёллар йили” деб эълон қилинганлиги сабабли томошада хотин-қизлар мавзуга ургу бериш ҳамда мамлакатимизда 8 йил ичида эришган ютуқларимизни поэтик бўёқларда талкин этиш асосий ғоя ва мақсад қилиб олинган. Томошанинг бош режиссёри ва бадий раҳбари Р.Ҳамидов адабий сценарий асосида ўзининг сахнавий сценарийси ва режасини тузган. Шунга қўра, томоша “Наврўз келур” номли муқаддима, “Байрам шодиёнаси”, “Туркистоннинг азиз онлари”, “Туркистон алласи”, “Она билан бола, гул билан лола”, “Олмани отдим отганга”, “Гул диёрим бор менинг”, “Наврўз нашидаси” номли қисмлардан иборат қилиб белгиланган.

Байрам шодиёнаси бошланади. Асосий сахна, йўлаклар, кўприқлар, Навоий ёдгорлиги зиналари, фаввора атрофлари лолазорга айлангандай. Гулларни эслатувчи ранг-баранг либослардаги қизлар “Нозланажакдир” (Ж.Жабборов сўзи, А.Назаров мусикаси) деган янги кўшиқ оханларига мос тебранишади. Сахна ортида ўрнатилган дорда чаккон дорбозлар ўйнашади. Ўз жасорати, ақл-заковати, нафосати билан тарихда ўчмас из қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Дилшод Барно, Зулфия сиймолари сахнада гавдаланади. Шундай буюк момоларимиз бўлганлигидан қалбларимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади.

“Даврада ок харир либосли кизлар пайдо бўлади. Ўртада бешик. Она бешикни тебратганча аста алла айтади. Унинг сокин алласини тинглар экансиз, қалбингизни ажиб ҳислар эгаллайди. Алладан ҳам улугрок кўшик бормикан дунёда...³⁸”.

Шундан сўнг болалар ижодига бағишланган “Она билан бола-гул билан лола” касидаси берилади. “Ором”, “Булбулча”, “Юлдуз” номли болалар жамоалари, Миллий ракс ва хореография олий мактаби талабалари ижросидаги “Читтигул”, “Ана гуллола, мана гуллола”, “Ҳаққалакка ўйнасамми” каби ўйин-қўшиқлар томошабинларга чинакам завқ бағишлади, беғубор болалигини эслатди.

Томошада асосий ўринни эгаллаган ва бевосита Наврўз мавзуини ёритувчи “Гул диёрим бор менинг” қисмида ҳам аёллар мавзуи етакчилик қилади. Унда Қорақалпоғистон ва вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоалар, санъаткорлар ва хаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса, “Сумалак” (Андижон), “Навбахор” (Наманган) ракс ансамллари, “Афсона” (Бухоро), “Сайхун йигитлари” (Сирдарё), “Гулираъно” (Жиззах), “Бешкарсак” (Самарканд), “Нуржахон” (Навоий), “Хоразм наволари” халқ ансамллари, Тошкент, Фарғона ва Сурхондарёнинг йиғма бадий хаваскорлик жамоалари ижро этган ракслар, ўйинлар, термалар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Эстрада хонандаларининг Мустакил Ўзбекистонни, унинг қалби пок, меҳнатқаш, саховатли ва меҳр-оқибатли халқини шарафловчи, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқлари билан томоша ниҳоясига етади. Юлдуз Усмонова Мухаммад Юсуф шёрига ўзи басталаган “Ўзингдан қўймасин халким” ашуласини айтганда, барча хонандалар, бутун майдон яқдил бўлиб, жунбушга келди. Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Юртбошимиз И.Каримов

³⁸ Эгамқулов Б. Наврўз байрами таътаналаридан репортаж. – “Халқ сўзи”, 1999 йил 22 март.

туйғулари жўш уриб, сахнага чикиб, ажойиб байрам учун санъаткорларга кизгин миннатдорчилик билдирди.

Наврўзнинг Ўзбекистон миллий боғида ўтган асосий театрлашган томошаси олдинги йиллардаги томошаларга караганда мазмунлироқ, бадий жихатдан кўркамроқ ва жозибалироқ ўтди. Аёл ва Ватан мавзуи Наврўз мавзуи билан узвий боғланган холда бутун томоша бўйлаб ўтди. Чинакам бадий яхлит майдон томошаси яратилди. Бу йилги Наврўз томошаси Осиё, Европа, Америка ва Австралия китъаларининг 50 дан ортик мамлакатига узатилди. Яъни Наврўз байрами томошаларини биргина Ўзбекистон, унинг қўшинлари эмас, бутун дунё томоша килди.

Мазкур йилдаги байрам хусусида турли санъатшунос олимларимиз, мутахассислар матбуот оркали ижобий фикрлар билдириб, байрамда кўзга ташланган баъзи бир камчиликларни ҳам атрофилича таҳил килиб ўтишди.

2000-2004 йиллар мабойнида ўтказилган Наврўз байрамларида, юкоридаги каби бир хилликда, яъни бир хил қолипда байрам нишонланди. Бу ижодий гуруҳ аъзоларининг ўзгармаганлигидан далолат берсада, томошабинда биров зеркиш, ёки кейинги бўлимлар нималардан иборат бўлишини олдиндан билишига имконият яратиб берди. 2003 йил Наврўз байрами об-хавонинг ёмонлиги сабабли Юнусобод теннис кортида нишонланди.

Тажрибали режиссёр Рустам Ҳамидов атрофида йиғилган ижодий гуруҳ, йилдан-йилга байрам сахнасида йўқолиб кетаётган удумларимизни, анъана ва маросимларимизни қайта тиклаш, уларни оммалаштириш каби ғоялар билан иш юритди.

Наврўз байрами 2005 йилга келиб тубдан фаркли ўларок, яна ўзгача тус олди. Чунки 2005 йилдаги Наврўз байрамига таникли режиссёр Баходир Йўлдошев бош режиссёр этиб тайинланди. Байрамда яна театрлаштириш жанри асосий ўринни эгаллади. Унда Наврўзнинг пайдо

бўлиши, киш кетиб, баҳорнинг кириб келишига доир бир канча театрлаштириган томошалар намойиш этилди. Байрамнинг яна бир янгилиги сифатида илк маротаба талаба ёшлар сайили намойиш этилди. Унда халқ ўйинларининг ҳозирги оммалашган турлари, кураш, кўпқари, миллий ракс ва кўшиқлар намойиш этилди. Мазкур байрамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти талабалари иштирок этиб юқорида тилган олинган бўлимда асосий сахнада иштирок этди.

Хуллас юртимизда тарихий анъаналар асосида Наврўз байрамини уюштириш бўйича бой тажриба вужудга келди. Наврўзнинг асосий йирик шакли – театрлашган мусикали-хореографик томоша халқ сайли бўлди. наврўз халқимиз учун покланиш, уйғониш, янгилашиш ва маъанвий камол топиш байрами бўлиб қолмоқда. Қадимий Наврўз ўзининг буюк моҳиятини сақлаб, янги мустақиллик ғояси билан бойиб, ахиллик, тотувлик, халқларнинг бирдамлиги ва дўстлиги байрамига ҳам айланди.

ХУЛОСА

Оммавий байрамлар ва томошалар, умуман олганда урф-одат, маросим ва анъаналар ўтмишда кўплаб файласуфларнинг, шоирларнинг, давлат ва санъат арбобларининг диққатини ўзига жалб қилган.

Ҳар ҳил даврда яшаган, турли сиёсий нуқтаи назар маслагидан турган арбобларнинг қуйидаги фикрлари байрам ва томошаларнинг инсонлар дунёқараши шаклланишида нақадар кучли қурол эканлигидан далолат беради:

“Мабодо, халқни ғайратли ва меҳнатсевар қилмоқчи бўлсангиз, уларга байрамни қайтаринг... Республикага томоша керак эмасми? Аксинча, жуда ҳам зарур... Тоза ҳаво ва очик майдонда тўпланишингиз керак... Томошабинларни бир вақтнинг ўзидан актёрга ҳам айлантинг, ўзини бошқада кўрсин, ҳаммани ўзини севгандек севсин ва бу ҳаммани қаттиқрок жипслаштирадиган” (Ж.Ж.Руссо).

“Муस्ताқиллик бешиги миллий байрамнинг марказига айланиши зарур...” (Дантон).

“Карнавал – туб маънода халққа бериладиган байрам эмас, балки ўзига-ўзи яратадиган байрамидир...” (Гёте).

Шарқнинг бу алломалари ҳам байрамлар ҳақида унинг тарихи ҳусусида ўз асарларида маълумот бериб ўтишган. Ушбу маълумотлар билан бир юқоридаги мавзуларда танишиб ўтганмиз.

Давр ўтиши билан янги ҳаёт қурилишларида, янги инсоний ўзаро муносабатларда янги маданият билан бирга оммавий қаҳрамонлик тугилди, ваҳоланки бу қаҳрамонлик санъаткор томонидан ўйлаб топилган эмас, балки ҳаётнинг ўзи қаҳрамонликдан иборат бўлиб, бу оммавий қаҳрамонлик ҳар қуни рўй берган. Демакки, бундай халқчил қаҳрамонлик жанрини яратиш мақсади поэзия ва оммавий, ташвиқий-сиёсий тадбирлар зиммасига юклатилган.

Мазкур ўқув қўлланмага хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, байрам ҳамма вақт, ҳар қандай шароитда ҳам инсонларга маънавий озуқа ва шижоат бағишлайди. Байрамсиз ҳаётимизнинг бирор бир кунини, бирон бир лаҳзасини тасаввур қила олмаймиз. Байрамлар орқали инсонни рухлантириш, ҳаттоки тарбиялаш ҳам мумкин.

Ҳозирда бизнинг жонажон Ўзбекистонимиз улкан санъат юртига, хусусан байрамлар юртига айланмоқда. Мустикаллик, Наврўз, Спорт байрамлари, юбилей байрамлари ўзбек халқининг нечоғлик санъатга, хурсандчилик ва шодликка интилишидан далолат беради.

Ушбу ўқув қўлланмада байрамларнинг тарихи, байрамларнинг турли даврдаги ривожланиш боскичлари ҳақида маълумот берилди. Мазкур ўқув қўлланмада берилган маълумотлар ёки далиллар хусусида ўз фикрингиз бўлиб, биз билан ўртоқлашсангиз, бениҳоят хурсанд бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- И.А.Каримов “Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар хисоблар эди”. Т: Ўзбекистон 2005 й.
- И.А.Каримов “Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида” Т: Ўзбекистон 2005 й.
- И.А.Каримов “Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб ислохатлар йўлида изчил бориш – асосий вазифамиздир”. Т: Ўзбекистон 2004 й.
- Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 том. Т.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2000. 584 бет.
- Петров Б. “ Спортивные праздники” Л.ЛГИК 1985
- Махмуд Қошғарий. “Девону луғотит-турк”, 1 том. – Т.: “Фан”, 1963.
- Праздники, обряды, традиции. Составитель Марьянов. М. «Моладая гвардия».1976.
- Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. Л., 1977.
- Мазаев А.И.Праздник как социально-художественное явление. – М.: “Наука”, 1978 г.
- К.Имомов. Ўзбек халқ прозаси. “Фан”. Т. –1981.
- У.Х.Қарабоев. Традиционное народное творчество: проблемы возрождение и развития. Т. «Фан»1991.
- У.Қарабоев . “Табиат байрамлари” Т. Мехнат 1988 й
- У.Қарабоев “Ўзбекистон байрамлари” Т. 1991 й
- Б.Саримсоков. Ўзбек маросим фольклори. “Фан”. Т.-1987.
- М.Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т. “Фан” 1993.
- И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. “Ўқитувчи”. Т.-1994.
- Шодиев Б. Наврўз байрами (тарихий йўли ва қайта тикланиши). - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.

- С.Саидкосимов, А.Ахмедов, Б.Ахмедов ва бош. Амир Темур жахон тарихида. Тўлдирилган иккинчи нашр. Т.:Шарк. 2001.
- Ҳ.Ҳамидов. “Авесто” файзлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т.2001.
- Усмон Қорабоев. Ўзбек халқи байрамлари. “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.2002.
- М.Қодиров “Ўзбек театри тарихи” Т: 2003 й.
- Ф.Э.Ахмедов. “Оммавий байрамлар режиссураси” фанидан маърузалар матни. Т.2006.
- “Тошкент хақиқати” газетаси.1990 йил, 27-февраль.
- “Тошкент окшоми”, 1990 йил 23 март
- “Халқ сўзи”, 1993 йил 20 март
- “Народное слово”, 1993 йил 23 март
- “Халқ сўзи”, 1995 йил 17 март.
- “Тошкент окшоми”, 1995 йил 22 март
- “Оила ва жамият”, 1995 йил 23 март.
- “Халқ сўзи”, 1997 йил 22 март
- Энг қадимий, энг миллий байрам. –“Халқ сўзи”, 1998 йил 13 март
- Спиридонова А.Навруз-извечная радость. “Вечерный Ташкент”, 1998, 23 марта
- “Гулистон” журнали. №6, 1998, 13 бет.
- Эгамқулов Б.Наврўз байрами тантаналаридан репортаж.-“Халқ сўзи”, 1999 йил 22 март.
- Жабборов Ж. Кафтдаги юрак (Наврўз байрами хақида ўйлар).-“Халқ сўзи”, 1999 йил 24 март.
- Наврўз байрами тантаналари туширилган видео кассеталар. 1989-1999 йиллар.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Байрам ҳақида тушунча	10
Байрамларнинг пайдо бўлиши	24
Зардуштийлар байрамлари	30
Ўрта аср байрамлари	35
Темурийлар даври байрамлари	40
Шўролар тузуми давридаги байрамлар	48
Мустақиллик даври байрамлари	56
Наврўз байрамининг пайдо бўлиши ва тараккиёт боскичлари	70
Мустақиллик даврида Марказий майдонда ўтказилаётган Наврўз байрами режиссураси хусусида	76
Хулоса	108
Фойдаланилган адабиётлар	110

СОДЕРЖАНИЕ

Введение	4
Понятие о празднике	10
Появление праздников	24
Праздники Зардуштиев	30
Праздники Средних веков	35
Праздники периода Темеридов	40
Праздники советского периода	48
Праздники периода Независимости	56
Рождение праздник Навруз и этапы его развития	70
О режиссуре праздник Навруз проведенных в период Независимости	76
Заключение	108
Использованная литература	110

CONTENTS

Introduction	4
Nation about the holiday	10
Creation of the holidays	24
Holidays of zardusht period	30
Holidays of Middle Age	35
Holidays of Temurids	40
Holidays of ex soviet system	48
Holidays of independence period	56
Creation of Navruz holidays and steps of development	70
About direction of Navruz holiday which is held at the Central square with in Independence period	76
Conclusion	108
List of used Literature	110

